**Da'vat**

*Bugungi kunda Vatan taraqqiyoti, yurt tinchligi, farovon hayotga erishish, xalqaro maydonda munosib o'rin egallashdek ezgu maqsadlarga yetish yo'lida biz tayanchimiz va suyanchimiz bo'lmish yoshlarimizga beqiyos orzu-umidlar bilan qaraymiz.*

**Islom KARIMOV**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 5 июнь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 43(7446)

**Ibrat**

*Mamlakatimizda bolalarning yozgi oromgohlari o'z mavsumini boshladi. Mavsumda 270 ming nafar bolalar oromgohlarda hordiq chiqarib, o'z salomatliklarini mustahkamlashadi. Shu maqsadda qariyb 2 milliard 584 million so'm mablag' sarflanadi. Ayni paytda 747 ta sog'lomlashtirish oromgohi, shuningdek, ayrim maktablar qoshida ham dam olish maskanlari tashkil etilgan.*

## ҚАЛБЛАРАРО КЎПРИК БЎЛДИНГ, УНИВЕРСИАДА!



Дарҳақиқат, эртасини ўйлаган давлат бугун ёш авлодга жиддий ғамхўрлик қилиши, эътибор қаратиши лозим. Ўтган ҳафта Бухорода бўлиб ўтган "Универсиада-2002" спорт ўйинлари ҳам айни пайтда ёшлар масаласи мамлакатимизда давлат сиёсати даражасида эканлигидан далолатдир. Бухоронинг осмонўпар миноралари қаторига ўзининг минора кўринишидаги тўртта баланд ёриткичлари билан қўшилган марказий ўйингоҳнинг пештоқига Тошкент вилоятининг гўзал Паркент туманидан олиб келиб ўрнатилган "Универсиада" машъаласи олов қалб йигит-қизларимизга бир ҳафта давомида янада шижоат, куч-қудрат бахш этиб турди.

Ниҳоят, миллий анъаналаримизга кўра, "Чорлов" мусиқаси янгради. Ҳамиша халқимизни байрамга, шодликка чорловчи карнай-сурнай садолари оламни тутди. Шу пайт майдон ўзра саф тортган қизлар қадимий шаҳар минораларидаги такрорланмас нақшларни ўз ҳаракатлари билан акс эттира бошладилар. Майдон ўртасида БУХОРО сўзи пайдо бўлди, ўйингоҳ қарсакларга тўлди. Ниҳоят, "Ватаннинг кўз нури, дилбандларидир" марш паради остида ўйингоҳ марказидан "Универсиада"нинг олтин (Тошкент-1), кумуш (Бухоро), бронза (Наманган) медалларига сазовор бўлган жамоалар ҳамда бошқа вилоятлар вакиллари ўрин олишди.

**Муҳташам майдонни тўлғазиб турган**
**Ватаннинг кўз нури, дилбандларидир**
**Келажак боғидан чечаклар терган**
**Она Ўзбекистон фарзандларидир.**

Тантанага тақдирлаш маросими кўрк берди, десак муболаға бўлмайди асло. Ахир Президент совғасини олишни ким хоҳламайди, дейсиз! Бош мукофот — "Дамас" автомобили ва биринчи даражали дипломни умумжамоа ғалабасига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти жамоасига Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ҳамда Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусеновлар топширдилар. Иккинчи мукофот — "Дамас" автомобили ва иккинчи даражали дипломни Бухоро Давлат университети вакилларига бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов ва Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов топширди. Учинчи мукофот — "Дамас" автомобили ҳамда учинчи даражали дипломни Наманган Давлат университети талабаларига Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов ҳамда Миллий олимпия қўмитаси президенти С.Рўзиевлар топширдилар. Мусобақалар жараёнида қайсидир бир жиҳатдан фаол ҳаракат қилган жамоалар ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, "Ғалабага бўлган интилиши учун" Қорақалпоғистон Давлат университетининг волейболчи йигитлар жамоаси энг замонавий компьютер қурилмаси билан тақдирландилар. "Энг аҳил жамоа" соврини Урганч Давлат университети вакилларига насиб этган бўлса, юксакликка эришган Тошкент вилояти Аграр институти жамоаси телевизор билан мукофотландилар. Фарғоналик талабаларга ҳам шундай эътибор насиб этди.

Сўнгра, муҳташам ва муаззам ўйингоҳ аста қоронғулашгач, прожектор чироқлари ёниб турган машъалага тўғриланиб, минг-минглаб ёшларни ғалаба сари чорлаб турган "Универсиада-2002" машъаласи аста-секин сўндирилди ҳамда унга мос равишда "Универсиада" байроғи ҳам туширилди. Шу чоқ минглаб бадиий фон қатнашчилари қўлларидаги чироқлар билан майдондаги завқни туширмасликка ҳаракат қилдилар. "Гарчи машъала сўнгани билан бизнинг қалбимиз ҳамиша ёниқдир" деган маъно мужассам эди бу ҳаракатлар замирида.

**Юракларда ҳаяжон, ҳар дилда титроқ,**
**Сизга оқ йўл тилайди бу қадим тупроқ,**
**Ловуллаган машъала сўнса-да бироқ,**
**Кўнгилларда ўчмагай бу мангу чироқ.**

**(Давоми 3-бетда)**

### ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**ИЛМ, ОЛИМ ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ** 2-бет

**ЎҚИТУВЧИДА ИШТИЁҚ БЎЛСА ИМКОНИЯТ ТОПИЛАДИ** 4-бет

**БИЗГА ТИНГЛОВЧИ ЭМАС, ФАОЛ ИШТИРОКЧИ КЕРАК** *илмий-амалий анжуманда ана шу фикрга алоҳида урғу берилди* 4-бет

**ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЮКСАК МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ** 4-бет

**БУГУНГИ ЁШЛАР** *уларнинг китобга муносабати қандай?* 5-бет

**БОТАНИКАДАН ЯНГИ ЖАДВАЛЛАР** 6-бет

**СУВ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?** 7-бет

**ОСТОНАНГИЗ ОЗОДАМИ** 7-бет

**ЯПОНЧА КРОССВОРДНИ ЕЧИШ ТАРТИБИ** 8-бет

## КОНФЕРЕНЦИЯ ЛИССАБОНДА БЎЛИБ ЎТДИ

*"Жаҳон таълим бозори — 2002" бу йил учинчи бор ўтказилди. Бунгача у Канаданинг Ванкувер шаҳрида икки маротаба ўтказилган эди. Ушбу анжуманда 60 га яқин давлатдан ташриф буюрган вазирлик, нашриёт, агентлик, консультатив фирмалар, компаниялар, донор ташкилотлари ва ўқув муассасалари вакиллари иштирок этишди.*

*Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси шу йилнинг 21—24 май кунлари Португалиянинг Лиссабон шаҳрида бўлиб ўтган "Жаҳон таълим бозори — 2002" халқаро кўргазма-конференцияда иштирок этиб қайтди. Лиссабонга конференция иштирокчилари таълим соҳасида тажриба алмашиш ва ҳамкорликларни ривожлантириш учун йиғилдилар.*

**Xalqaro hamkorlik**

*Анжуманда янги компьютер технологиялари ривожланиши жараёнида таълимнинг янги стратегиялари яратилиши, таълим сиёсати ва халқаро ҳамкорлик каби масалалар муҳокама қилинди.*

*Таълим муассасалари, консультатив фирмалар, нашриётлар, инновацион фирмаларнинг хизмат турлари ва маҳсулотлари кўргазмаси конференция билан параллел равишда бўлиб ўтди. Кўргазмада хизмат кўрсатишнинг дарсликлар чиқариш, чет эл таълими каби анъанавий турлари билан бирга интернет орқали тест, энг сўнгги ишлаб чиқилган информацион коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда янгича таълим усуллари каби ноанъанавий хизмат турлари ҳам намойиш этилди.*

*Ўзбекистон делегацияси халқаро анжуманда муваффақиятли иштирок этди.*

**МУХБИРИМИЗ**

## ИЛК ИМТИҲОН — ИЛК НАТИЖАЛАР

**Jarayon**

"Сўнгги қўнғироқ" жаранги тинганидан сўнг республикамиз мактабларида 9-синф битирувчилари илк имтиҳон — ижодий баён ёздилар. Бунда ўқувчилар матн мазмунига ўз муносабатларини билдирдилар. Танланган мавзуларнинг ранг-баранглиги, ўқувчи қалбига яқинлиги, долзарблиги уларнинг мустақил фикрлаш қобилияти, ижодкорлиги, воқеа-ҳодисаларга шахсий муносабатларини баҳолашга етарли имкон берди.

Қибрай туманидаги 25-мактаб битирувчиларидан 9-"Б" синф ўқувчиси Зилола Нуралиева "Қарияларни қадрлаш — бурчимиз" мавзусидаги баёнини ижодий давом эттириб, шундай ёзади:

— Уйларида қариялари, буваю бувилари ҳаёт бўлган хонадон фарзандлари, невара ва эваралари уларнинг сояи давлатларида солиҳу солиҳа бўлиб тарбия топадилар. Улардан оқу қорани, яхшию ёмонни, ҳалолу ҳаромни ажратишни, меъёру исрофнинг фарқига боришни ўрганадилар. Бобо ва бувиларидан ибрат олиб, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўладилар. Қариялар бор уйда қутбарака, аҳиллик барқарор экан, уларни эъзозлайлик.

Акмал Икромов туманидаги 106-мактабнинг 9 "Е"-синф ўқувчиси Камолиддин Содиқов эса Темур ўгитларига амал қилган ўғлонлар Ватаннинг содиқ ўғлонлари бўла олишини таъкидлайди:

— Менинг назаримда, буюк инсоннинг ўғилларига берган ўгитлари бутун бир миллат ўғил-қизларига айтилган панд-насиҳатлардир. Бу насиҳат, ўгитларга амал қилсак, ишбилармон ва мард, шижоаткор ва азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр инсон бўлиб камол топамиз. Бу ўгитлар бобомизнинг иймон нури ила кўнгли чароғон бўлган адолат ва ҳақиқат соҳиби бўлганидан хабар беради.

Ижодий баён мавзуларидан бири — "Ватан — она каби ягонадир". Бу мавзу бўйича битирувчиларимиз Ватан ҳақида тўлиб-тошиб ёзганлар. Жумладан, 274-мактаб 9 "Г"-синф ўқувчиси Шерзод Шоюсупов Ватан тупроғи азизлигини шундай тасвирлайди:

— Ватан, — инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас тупроқ, бизни камол топтирадиган азиз ва мукаррам жой. Ватани бор инсоннинг ғурур ва ифтихори бўлади. Ғурури, ифтихори бўлган инсон эса Ватани учун жонини ҳам аямайди. Бизнинг Ватанда буюк боболаримиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Бобур, Улуғбек, Навоий каби зотлар яшаган, бизга буюк мерос қолдиришган. Биз ҳам бир кун келиб шу Ватан тупроғига бош қўямиз. Шундай экан, азиз дўстларим, келинглар, она каби ягона Ватанга муносиб фарзанд бўлиб, Ватан хокини кўзимизга тўтиё айлайлик!

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**




**FARMON**

**O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to'g'risida"gi Farmoni e'lon qilindi.**

**DAVLATIMIZ RAMZLARI**

**O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Fan, madaniyat va sport masalalari qo'mitasi, respublika "Ma'naviyat va ma'rifat" markazi bilan hamkorlikda yaratilgan, "Ma'naviyat" nashriyotida chop etilgan "Davlatimiz ramzlari" kitobida mustaqil davlatimiz timsollari haqida hikoya qilinadi.**

**BOSH VAZIRNING YANGI O'RINBOSARI**

**O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga binoan Abdulla Nig'matovich Oripov O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari — Aloqa va axborot-telekommunikatsiya texnologiyalari masalalari kompleksining rahbari — O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligining Bosh direktori etib tayinlandi.**

**ONALAR VA BOLALAR UCHUN**

**Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni bayrami arafasida poytaxtimizda zamonaviy tibbiyot asbob-uvkunalari bilan jihozlangan Respublika Perinatal markazi foydalanishga topshirildi.**

## БУГУННИНГ ЮМУШЛАРИДА ЭРТАНИНГ ТАШВИШИ

"Сўнгги қўнғироқ" садолари янграган мактаб остоналарида бугун одатдагидан ўзгача руҳ ва кайфият ҳукмрон. Бир томонда битирувчи синф ўқувчилари учун масъулиятли дамлар бошланиб, давлат имтиҳонлари топшириш тараддудида бўлишса, иккинчи томондан, мактаб жамоасининг илм даргоҳини кейинги ўқув йилига ҳозирлаш мақсадида олиб бораётган таъмирлаш ишлари суръати жадаллашган.

Мазкур юмушларға Жиззах вилоятида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Зотан, ушбу тадбирлар сўнгида, энг аввало, мактаб битирувчи синф ўқувчиларининг таълим масканида йиллар давомида эгаллаган билимларининг қанчалик теранлиги ўз аксини топади. Бу эса илм ўчоғи ўқитувчилари меҳнатига берилган холис баҳо. Қолаверса, мактабни кейинги ўқув йилига тайёрлаш ишларининг нечоғли сифатли бажарилиши ўз-ўзидан аёнки, ўқувчиларни мактабга жалб қилиш, уларда билим олишга қизиқиш уйғотишда муҳим ўрин тутади.

Ана шу мақсад боис, амалга оширилаётган эзгу ишлар самараси ўлароқ, вилоятнинг Зарбдор туманидаги Бўстон шаҳарчасида 240 ўринли математика, инглиз тилига йўналтирилган иқтидорли болалар лицей-интернати қад ростлаган бўлса, Дўстлик туманидаги 8-мактабга 320 ўринли қўшимча бинонинг қуриб, фойдаланишга топширилиши ушбу жойлардаги мавжуд мураккабликларни енгиллаштириш билан бир қаторда яна қўшимча шарт-шароитлар яратиш имконини берди. Бу каби юмушлар эртага ёшларимизнинг билим сирларини эгаллаш мақсадидаги изланишларида акс этиши тайин.

**МУХБИРИМИЗ**

*O'qituvchi yon daftariga*

**IMMUN QOBILIYATINI OSHIRADI**

**Sharq tabobatida qadim-qadimdan hayvonlardan shifobaxsh vosita sifatida foydalanib kelinadi. Mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan "ERIKSIN" xususiy ilmiy ishlab chiqarish korxonasi mutaxassislari qum bo'g'ma iloni biomassasidan shifobaxsh dori olish usulini ishlab chiqdilar. "Eriksin" nomini olgan bu dori kishining immun qobiliyatini oshirish faolligiga ega.**

**MUZ QOYALAR TOPILDI**

**NASA (AQSH) tomonidan Marsga uchirilgan "Mars—Odisseya" kosmik apparati "qizil sayyora" yuzasidan bir necha metr chuqurlikda muz qoyalari borligini aniqladi. Bu shov-shuvli xabar mutaxassislarni bu sayyorada hayot bo'lishi mumkin, degan xulosaga olib keldi. NASA vakillari yaqin 20 yil ichida Marsga maxsus ekspeditsiya yuborishni rejalashtirmoqda.**

**YAPONLAR REJASI**

**Vaqt o'tgan sayin kompyuter texnikasi tinimsiz rivojlanib bormoqda va ularning yangi-yangi avlodlari yaratilmoqda. Yaponiyaning fan va maorif vazirligi yaqinda superkompyuter yaratishni rejalashtirganini e'lon qildi. Hozirda eng kuchli deb hisoblanuvchi kompyuterlardan o'n marta tez ishlovchi bu yangi avlod texnikasi bir soniyada 300 trillion operatsiya bajarishi mumkin bo'ladi, deya ta'kidlashmoqda mutaxassislar.**

**YONILG'ILARNI YOQISH NATIJASIDA**

**Ma'lumotlarga qaraganda, hozirgi vaqtda yer yuzida turli yonilg'ilarni yoqish natijasida har yili 10,1 milliard tonna kislorod sarf bo'lmoqda. Insoniyat hayoti uchun xavfli bo'lgan bu holatdan bizni nabotot olamigina qutqarishi mumkin. Bir gektar daraxtzor, mutaxassislarning ta'kidlashicha, bir yilda 18 million kub metr havoni tozalab beradi.**

# ҚАЛБЛАРАРО КЎПРИК БЎЛДИНГ, УНИВЕРСИАДА!

(Давоми. Боши 1-бетда)



Барчанинг гулдурос қарсаклари остида бухоролик спортчилар “Универсиада“ байроғини майдон марказига олиб тушдилар ва уни 2004 йилда бўлажак спорт байрами мезбони ҳисобланган самарқандлик мусобақа ғолибларига топширдилар. Айни шу пайтда Ўзбекистон халқ артисти Мардон Мавлонов ижросида “Самарқанднинг қизлари“ қўшиғи янгради.

Демак, учинчи “Универсиада-2004“ спорт ўйинлари қадим ва навқирон Самарқандда бўлиб ўтади. Зеро, гўзал Самарқанд азал-азалдан дунё халқларини ўз ҳусни жамоли билан ром этиб келган. Унда миллатимиз ғурурини, шарафини юксак кўтариб, буюк шарқ машъалига айланган улуғ аждодларимиз, алломаларимиз туғилиб вояга етганлар. Ишонамизки, ҳозирги ёшлар ҳам ана шу аждодларимиз изидан борувчи зурриёдлардир.

**Не бахтким, Бухоро тутган бу байроқ**
**Энди йўл олажак Самарқанд томон**
**Янаги гўзаллик, ёшлик байрамин**
**Ул ерда қутлайди хур Ўзбекистон**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри терма жамоалари спортчилари бир-бирларини табриклаб қутлайдилар. Ўзаро эсдалик совғалари алмашинилиб, хайрлашув жараёни кечади. Ва бу хайрлашув ёпилиш маросимининг расмий қисми тугаб, бадиий қисми бошланганидан дарак эди. Майдонда полвонлар, волейболчилар, гимнастикачилар, футболчилар куй-қўшиққа моҳанд машқлар, ўйинлар кўрсатди. Сўнгра вилоят ҳамда республикадан келган эстрада хонандалари ватанни, ёшликни куйловчи қўшиқлар ижро этдилар. Маросим сўнгида Ўзбекистон халқ артисти Ю.Усмонованинг “Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон“ қўшиғи янграганида узунлиги 100 метр, эни 50 метр бўлган мамлакатимиз байроғи 4000 нафар фон гуруҳи қизлари қўлида ажиб бир товланиб, ҳилпираб 25 минг томошабин кўз ўнгида денгиздек мавжланди. Бинобарин, ёшларимизнинг муқаддас байроғимиз остида бундай тўпланишлари ўзаро дўстлик, аҳиллик, бирлик нишонасидир. Зеро, қўшиқда айтилганидек, Ўзбекистон ёшлари юрт равнақи, унинг мусаффо осмони, осуда ҳаёти йўлида айнан мана шу байроқ остида тўпланадилар.

Хуллас, мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб, ҳаётга жорий этилган ягона ва яхлит тизимнинг учинчи бўғини “Универсиада“ спорт ўйинлари иккинчи маротаба ўтказилиб бўлинди. Галдаги вазифа бу сафар йўл қўйилган хато ва камчиликларни 2004 йил Самарқандда такрорламаслик ва келгуси мусобақаларни бундан-да зиёдроқ тарзда ўтказишдир. Шу кун тадбирда ҳукуматнинг юқори мартабали вакиллари, муассаса раҳбарлари, хорижий меҳмонлар ҳам қатнашдилар.



## КЎЗЛАНГАН МАҚСАДНИНГ БИР ЖИҲАТИ



*Мана, “Универсиада-2002“ спорт ўйинлари ҳам тарихга айланди. Бироқ нафақат Бухоро аҳли, балки бутун ўзбекистонликлар ҳозир ҳам унинг ҳаяжони билан яшамоқдалар. Боиси, уч бўғинли яхлит тизимнинг юқори босқичи ҳисобланган “Универсиада“ ўйинларининг мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилиши ўзбек халқи ҳаётида ёрқин из қолдирган муҳим бир воқеага айланиб қолди. Ҳар қандай мусобақанинг одатий шарти: кимдир ғолиб, кимдир мағлуб бўлишига қарамасдан, ушбу спорт ўйинлари замирида ётган энг олий мақсад яъни ёшларимизнинг ўзаро бирликларига эришилди. Узоқ Қорақалпоғистон Республикасидан келган талаба андижонлик йигит билан танишди, ўртоқлашди ёки қашқадарёлик қиз сирдарёлик дугонаси билан қалин дўст бўлиб қолди. Энди улар ўқиш давомида бир-бирларига мактуб ёзадилар. Ва 2004 йил Самарқандда бўлажак универсиадада яна юз кўришадилар.*

*Бинобарин, бугун ҳукуматимиз раҳбарияти ҳам миллионлаб ёшларимизни ана шу тарзда бирлашишларини, дўстлашишларини хоҳлайди. Ана шундагина ёт унсурлар бизнинг фарзандларимизга таҳдид сола олмайдилар. Зеро, ҳашаматли Бухоро ўйингоҳи узра ёйилган улкан ва муқаддас байроқ остида ёшларимизнинг бир бўлишларида ҳам ўзгача бир маъно мужассам. Улар ана шу байроқ бутунлиги, хавфсизлиги учун бирга ҳаракат қиладилар. Зотан, юрт тинчлиги, барқарорлиги учун кураш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир.*

*“Универсиада“нинг халқаро миқёсдаги жиҳатларига тўхталсак, мамлакатни ҳеч қайси соҳа спортчилик дунёга танита олмайди. Жаҳон мамлакатлари ўртасида ўз юртинг байроғи баланд ҳилпираб турса, ана шунинг ўзи олий мукофотдир. Энди, мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари“, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг “Баркамол авлод“,олий ўқув юрти талабаларининг “Универсиада“ спорт ўйинлари чиғириғидан босқичма-босқич ўтган ҳар бир ёш спортчи эртага мамлакат терма жамоаси сафига қўшилади. Бинобарин, келгуси йил Жанубий Кореянинг Дейгу шаҳрида бўлиб ўтадиган бутунжаҳон “Универсиада-2003“ мусобақаларида иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоаси сафига Бухородаги “Универсиада-2002“ беллашувларида фаол иштирок этиб, муваффақият қозонган талабалар қўшилиши шубҳасиз.*

*Бугун жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонига кириб бораётганлиги қувонарлидир. Чунки, шу асосда жамият ҳаётида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиб қолади.*





## “УНИВЕРСИАДА-2002“ ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

**“Шарқ дурдонаси“ номини олишга муваффақ бўлган қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро доимо хорижий сайёҳларни ўзига жалб этиб келган. У ўзининг тарихий ноёб обидалари билан ҳар қандай кишининг меҳрини қозона олган. Шу сабаб бўлса керак. “Универсиада-2002“ спорт ўйинларининг тантанали очилиш ҳамда ёпилиш маросимларида 16 та чет мамлакатлардан 500 нафардан ортиқ хорижий сайёҳлар иштирок этдилар. Уларнинг аксариятини АҚШ, Франция, Германия, Япония, Австрия, Австралия, Канада, Швейцария, Италия, Исроил, Тайван, Россия ва Грузиядан келган меҳмонлар ташкил этиб, имкониятдан фойдаланган ҳолда, биз Франция сайёҳлик фирмаси раҳбари Мишел Салан билан суҳбатда бўлдик.**

**— “Универсиада-2002“ мусобақаларига нисбатан шахсий фикрингиз?**

**— Бугун ниҳоясига етаётган олий ўқув юртлари талабаларининг “Универсиада“ мусобақалари айтиш мумкинки, у кичик олимпиада“дир. Мусобақалар вақтида ёшлар ғалабага интилиб, ҳаётнинг қийинчиликларига бардош бериш даражасида тарбиялансалар, бу албатта мақсадга мувофиқ. Шунингдек, универсиада республиканинг турли бурчакларидан келган йигит-қизларни ўзаро таништиради ва бирлаштиради. Айниқса, уларнинг юртингиз байроғи остида тўпланишлари катта маънони англатади.**

**— Бугунги тадбир спортга бағишланган. Шунинг учун сизнинг наздингизда Бухоронинг спорт базалари қай даражада?**

**—Шаҳарнинг базаси етарли даражада. Айниқса, марказий ўйингоҳ ҳақиқатан ҳам жаҳон талаблари даражасига жавоб бера олиши қувонарли. Шунингдек, “Семурғ“, “Ҳумо“, “Ёшлик“, “Нафис“ сингари янги спорт иншоотларининг қурилиши ҳам айни муддао. Чунки, “Универсиада-2002“ баҳонасида қурилган мазкур спорт иншоотларидан эртага ҳам, келгусида ҳам Бухоро ёшлари фойдаланадилар.**



**— Мана ҳозир дунё футболининг миллионлаб ишқибозлари нигоҳи жаҳон чемпионати муносабати билан Осиёнинг икки йирик давлатига қаратилган. Аммо, кетма-кет, ҳам жаҳон ҳам Европа чемпионлигини қўлга киритган Франция терма жамоаси кутилмаганда Сенегал жамоасига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйганини қандай изоҳлайсиз?**

**— Афсуски, Франциянинг илк ўйиндаги бундай мағлубияти яхшилик келтирмайди. Тўғри бизнинг йигитларда имконият етарли, бунинг устига барчаси моҳир футболчилар эди. Лекин, “майдон текис, тўп юмалоқ“ деган гап бор. Бунинг устига омадга ҳам боғлиқ. Ўйлайманки, жамоа аъзолари бу муваффақиятсизликдан керакли хулосани чиқариб олганлар. Бинобарин, кечаги хатони бугун тузатса, камчиликни йўқотса бўлади.**

## “УНИВЕРСИАДА”ДА “УМИД НИҲОЛЛАРИ” ИШТИРОКЧИЛАРИ

Апрель ойида Фарғонада мактаб ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг мамлакат финал босқичи бўлган эди. Ўтган ҳафта эса стол тенниси баҳслари ўтказилган Бухоронинг қоқ марказидаги “Нафис” спорт мажмуасида “Умид ниҳоллари” финал ўйинларида қатнашган қизларни кўриб қолдик. Ва, улар бирорта олий ўқув юртлари шарафини ҳимоя қилишаётган бўлсалар керак, деган ўй сабаб улар билан мулоқотда бўлдик. Айрим жиҳатларини ҳисобга олмаганда, деярли 100 фоиз бир-бирига ўхшаган бу Фотима ва Зуҳра Қосимовалар бухоролик бўлишиб, ҳозирда Файзулла Хўжаев туманидаги 18-мактабнинг 9-синфида ўқир эканлар.



— ***Фарғонадаги “Умид ниҳоллари”дан қандай натижалар билан қайтдинглар?***

— Мен, дея гап бошлади Фотима, — айрим камчиликларим сабабли ғалаба қозонишга эриша олмадим. Бироқ, синглим Зуҳра Нафиса Каримова билан жуфтлик баҳсларида биргаликда ҳаракат қилиб олтин медаль олишга муваффақ бўлди.

— ***Ҳозир нима сабабдан бу ерда юрибсизлар?***

— Олийгоҳларда ўқиётган ака-опаларимизнинг айни ўйинларини томоша қилишимиздан мақсад, — деди Зуҳра, — келгуси йил “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларида қатнашиш ва зафар қучиш учун бугун турли вилоятлардан келган талабаларнинг ўйинларини кузатиш ва улардан янги усулларни ва янги жиҳатларни ўрганишдир. Ва мана шу олган сабоқларимизни 2003 йил Хоразмда қўллай олиш. Қолаверса, мезбон сифатида меҳмонларга хизмат кўрсатмоқдамиз.

Ҳа, илк бора бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спортнинг яхлит тизими спортга қизиқиши катта бўлган ёшларнинг айни кўнглидаги иш бўлди. Бугун “Умид ниҳоллари”да, сўнгра “Баркамол авлод” ва ниҳоят олий ўқув юрти талабаси сифатида “Универсиада” ўйинларида қатнашган ёшларимиз келгусида ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб етишадилар ҳамда Ватан равнақи учун ўз ҳиссаларини қўшадилар.



## ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бухоронинг замонавий бинолари қаторидан ўрин олган марказий ўйингоҳ таркибида янги “Спорт шон-шуҳрат” музейи очилди. “Универсиада” ўйинларининг сўнгги кунида ишга тушган ушбу даргоҳ шу куннинг ўзиданоқ спорт ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Эътиборлиси, янги музейдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Универсиада—2002” спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табриги матни ҳам ўрин олган. Шунингдек, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақаларининг ўтказилиши ҳақида ҳикоя қилувчи материалларни ҳам айнан шу ердан топасиз. Айниқса, бухоролик кураш ва дзюдо бўйича жаҳон ва Осиё чемпионларининг суратлари ҳам борлиги мезбонлар учун ўзгача бир фахр ҳисобланади.

— Музейнинг очилиши айни муддао бўлди. Чунки, мен каби спортга қизиқувчан ёшлар бу ердан маънан куч-қудрат оладилар. Ва тенгдошларининг халқаро ва



мамлакат миқёсидаги ютуқларидан фахр туядилар, — дейди Бухоро Давлат Университети талабаси Инобат Расулова.

Дарҳақиқат, спортга яқин яшаган инсон учун маънавий куч-қудрат беқиёслиги барчага бирдай аён. Бинобарин, жисмоний қудратидан қатъий назар ўзини руҳан жиловлай олган кишигина ғалабага эришади. Музейнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.





## КИНОДАГИДАЙ БЎЛДИ

Майдон текис, тўп юмалоқ. Ўйинда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Айниқса, кутилмаган ҳолатлар. Мақсад рақиб жамоа вакилидан тўпни олиб, дарвозага йўллашдир. Ушбу суратда ҳам Гулистон Давлат Университети талабаси ўз рақибидан нима қилиб бўлсада, тўпни олиш учун вазиятга қараб энг мақбул усулни ишга солган. Яъни, машҳур “Суюнчи” фильмидагидек “иштон тортиш” усулини қўллаган. Яшавор, азамат!

**Саҳифа материалларини Камолиддин АЛИОХУНОВ тайёрлади.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

*Бу воқеадан хабар топган кекса чол ўғлига бир арининг ортидан кетаверишини ва ари қўнган ер ковланса, сув чиқажаклигини айтибди.*

*Бу қурилмани озгина хафсала қилиб, фан ўқитувчилари ясаб олишлари мумкин. Бунинг учун фанер ёки ДСПдан сандиқ кўринишидаги бўйи 60 см, эни 100 см, қалинлиги 30 см қути ясалади.*



Anjuman

# БИЗГА ТИНГЛОВЧИ ЭМАС, ФАОЛ ИШТИРОКЧИ КЕРАК

## Илмий-амалий анжуманда ана шу фикрга алоҳида урғу берилди

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида вилоятлар педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорлари, илғор методистлар, шу ерда таълим олаётган курс тингловчилари иштирокида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг II босқичини амалга ошириш жараёнида педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида инновацион услублардан фойдаланиш муаммолари" мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Хўш, мазкур илмий-амалий конференциянинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат? Ўзига хослик, аввало, унинг давр руҳига мослигидир. Бу хусусиятга анжуманни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Ахлиддинов алоҳида урғу берди. Шунингдек, у педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш жараёни ва истиқболларига батафсил тўхталди.

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Жўра Йўлдошев "Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг II босқичини амалга ошириш жараёнида педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида инновацион услублардан фойдаланиш муаммолари" номли маърузасини "Мактаблар нега депсинаяпти?", "Ўтган ўқув йилида 1000 та мактаб битирувчиларидан бирор нафари олий ўқув юртларига кира олмади. Нега?" каби муаммоли саволларни таҳлил этишдан бошлади.

Ректорнинг фикрича, таълим мазмунига эскича ёндошаётган ўқитувчилар ҳам бор. Очиғи, уларни мактабдан ҳайдаш қийин масала. Фақат бир йўл борки, у ҳам бўлса, бундай муаллимларни мактаб даражасидаги қайта тайёрлашга, яъни ёш ўқитувчилар мактаби, ташаббускорлар гуруҳи, янги педтехнология гуруҳи, методик кунлар, муаммоли гуруҳлар, ижодий кечалар, мустақил мутолаа дастури, консультацияларга жалб қилиш зарур.

Инсон ўзгарса, унинг фаолияти такомиллашади. Шу маънода ушбу институтга келаётганларга тингловчи эмас, балки иштирокчи сифатида қаралаяпти. У ерда ҳар бир иштирокчига талаблар ишлаб чиқилган. Энди у нафақат ўрганиши, балки муаммони таҳлил қила билиши, инновацияларни амалиётга татбиқ эта олиши ҳам керак.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Очиқ Жамият институти Кўмак жамғармаси вакили Гўзал Субанова таълимда инновацион усуллардан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик ва келажакдаги юмушлар моҳияти ҳақида фикр юритди. Шунингдек, у "Мактабларни такомиллаштириш" дастури юзасидан амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча маърузалар қизиқиш билан тингланди. Шу боисдан ҳам иштирокчилар ялпи мажлисдан сўнг кўтарилган масалаларни кенгроқ ўрганиш мақсадида шўъбаларга бўлинишди.

Шўъбаларда фанларни ўқитиш жараёнида инновацион усуллардан фойдаланиш бўйича маърузалар тингланиб, очиқ машғулотлар олиб борилди. Маърузалар, очиқ машғулотлар юзасидан музокарага чиққанлар ҳам фаол иштирокчилар бўлишди.

**Қ.МАТҚУРБОНОВ**

# ЎҚИТУВЧИДА ИШТИЁҚ БЎЛСА ИМКОНИЯТ ТОПИЛАДИ

Sinab ko'ring

Дарҳақиқат, шундай. Тошкент туманидаги 25-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Абдумажит Маҳмудовнинг физикадан дарсларини кузатар эканмиз, ҳар бир дарс кўргазмали, ҳаётийлиги билан диққатимизни тортди. Ижодкор ўқитувчи физика фанининг электр ва магнетизм бўйича лаборатория ишларини бажаришда қўлланадиган "Универсал қурилма" яратиб, барча лаборатория ишларини ўқувчилар билан ўтказмоқда. Бу қурилмани озгина ҳафсала қилиб, фан ўқитувчилари ясаб олишлари мумкин. Бунинг учун фанер ёки ДСПдан сандиқ кўринишидаги бўйи 60 см, эни 100 см, қалинлиги 30 см қути ясалади. Қутининг олд қисмига электр ўлчов асбоблари ва қўшимча асбоблар ўрнатилади. Универсал қурилманинг олд қисмига иккита рақамли авометр, юқори омли ва кичик омли реостатлар, микроамперметр (ўртаси О бўлган), кичик ҳажмли осциллограф ҳамда товуш генератори жойлаштирилади. Ички қисмига эса 12 V ли трансформатор, ўзгармас ток манбаи (автомобилнинг зарядлаш қурилмаси ўрнатилиб, буларнинг ичлари ҳам қурилма олд қисмидаги контактларга уланади.




1 — юқори омли реостат
2,4 — рақамли авометр
3 — осциллограф
5 — кичик омли реостат
6 — 23 — контактлар




Қўшимча жиҳоз намуналари.

А.Маҳмудов яратган бу универсал қурилма учун кўп маблағ кетмайди. Биргина шу қурилмада бир неча лаборатория машғулотларини ўтиш мумкин. Мисол учун қурилма ёрдамида физиканинг электр қисми бўйича барча лаборатория ишларини бажариш мумкин. Қурилманинг ўлчами 100 см х 60 см х 30 см бўлиб, унинг олд қисмига электр ўлчов асбоблари билан бирга қўшимча асбоблар ҳам ўрнатилади.

Ҳар бир лаборатория ишлари учун ёрдамчи қурилма (10 см х 10 см х 2 см ли ёғоч тахтача) тайёрланиб, уларга қаршилик, конденсатор, диод, транзистор (кичик ўлчамли 12 вт) трансформатор (ҳар бири алоҳида-алоҳида) ўрнатилган бўлиб, занжир (токли) йиғиш учун қулай бўлиши мақсадида контактлар ўрнатилади.

Мисол учун қурилманинг афзалликлари:

1. Ток занжирини бевосита ўқувчиларнинг ўзлари ўқитувчи назорати остида йиғадилар ва натижаларни ҳам ўзлари оладилар.

2. Ҳар бир лаборатория ишига мўлжалланган қўшимча жиҳозлар (тахтачага ўрнатилган қаршилик ёки бошқа асбоблар)ни ҳам ўқувчиларнинг ўзлари ўқитувчи билан биргаликда тайёрлашлари мумкин.

3. Электр ўлчов асбоби сифатида рақамли авометрдан фойдаланилганда, улар ўнлаб ўлчов асбоблари вазифаларини бажара оладилар. Бу эса универсал қурилманинг иқтисодий самарасини оширади.

4. Қурилма ёрдамида мактаб дастурига мўлжалланган лаборатория ишларидан ташқари янги ишларни ҳам қўйиш мумкин бўлганлигидан, ўқувчининг ижодий изланишига кенг йўл очилади.

"Утказгичларни параллел ва кетма-кет улаш" лаборатория ишлари учун тахтачага иккита электр қаршилик ёки 12 вт га мўлжалланган толали лампа ўрнатилиб, уларнинг учлари 4 та контактга уланади. Лампалар кетма-кет уланса, умумий қаршилик ортади ва унинг натижасида лампалар хира ёнади. Лампалар ўзаро параллел уланганида, умумий қаршилик камайиши натижасида лампалар орқали ўтаётган токнинг миқдори ортади ва лампалар ёруғ ёнади. Занжирдан ўтаётган ток ҳамда кучланишни авометрларнинг кўрсатишларига қараб аниқлаб, $R = \frac{U}{J}$ формула ёрдамида умумий қаршилик ҳисобланиб топилади. Қолган лаборатория ишлари ҳам қўйилган мақсадга қараб юқоридаги тартибда бажарилади.

Айни кунда ижодкор ўқитувчи Абдумажит Маҳмудовнинг қурилмаси кўплаб физика фани муаллимларига маъқул бўлаётир. Сиз ҳам ишингизга озгина иштиёқ билан ёндашиб, юқоридаги универсал қурилмани ясаб олсангиз, ўйлаймизки, лаборатория машғулотлари мазмунли ва кўргазмали ўтади.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЮКСАК МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ

Insho

*Талаба саводхонлиги кўп ўқиш, ёзиш билан белгиланади. Кўп ўқиган талабанинг имлоси ҳам бехатодир. Ҳар йили республика педагогика институтлари талабалари ўртасида ўтказиладиган иншо танлови ҳам саводхонлик кўзгусига айланиб бормоқда.*

*Бу йилги иншолар танлови "Қарияларни қадрлаш—юксак маънавият белгиси" мавзусига бағишланди. Ғолиб — Жиззах Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 3-курс талабаси Д.Абдушукурова. Қуйида унинг ёзма иши матни эълон қилинмоқда.*

Эй, сочлари оппоқ, юзларидан нур ёғилиб турган мунис онахон! Қўллари меҳнатдан қаварган, юзларини ҳаёт машаққатларидан дарак бериб турувчи беҳисоб ажинлар қоплаган доно отахон! Бугун мен сиз ҳақингизда фикрларимни, кўнглимдан кечган ҳис-туйғуларимни баҳоли-қудрат қоғозга туширмоқликка жазм айладим. Сизнинг табаррук сиймонгиз, олам-олам мазмунга эга ҳар бир сўзингиз менга ҳамиша ҳамроҳ ва йўл кўрсатувчидир. Сизга разм солсам, ҳаёт ташвишларидан безовта юрагим таскин топади, дилимга илиқлик югуради. Баъзан кўзларингизда меҳрибонлик, донолик ифодалари билан ўйчанлик, маъюслик аломатларини кўраман. Автобус ойнасиданми, уйингизнинг деразасиданми ташқарига қараб, менга мавҳум алланималар ҳақида узоқ хаёл сурасиз. Балки сиз ҳаётингизнинг ҳозирги тотли ва гўзал дамларига шукроналар айтиб, яратганга таҳсинлар ўқиётгандирсиз. Балки, куч-ғайратга тўла бўлган ёшлигингиз хотиралари ўз оғушига олиб, сархуш қилаётгандир. Балки юрагингиз ўша доғули ўтмиш хотираларидан эзилиб, сирқираётгандир...

Гоҳо набираларингизнинг қий-чуви, гоҳо ғиз-ғиз ўтаётган машиналар хаёлингизни бўлиб юборади. Жўшқин давом этаётган ҳаётдан ва истиқлол нашидасидан мамнун қиёфада тангрига, фидокор Юртбошимизга раҳматлар айтасиз. Ҳаётдан нолиганларга эса беозоргина танбеҳ бериб қўясиз: "Илойим, биз кўрган кунларни сизлар кўрманглар. Шукр қилинглар, болаларим". Сиз фотиҳага қўл очганингизда, бутун вужудим қулоққа айланади. Дуоларингизда бутун умр давомида чиқарган хулосаларингиз, орзу-истакларингиз ва эзгу ниятларингиз мужассам. Ҳар сафар дуога қўл очганингизда, юртимиз тинчлигини тилайсиз. Одамлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилмаслигини, тўкинчилик бўлишини ва бизларга умр тилашни унутмайсиз. Беш вақт намозингиз сўнгида ҳам Оллоҳдан шуларни ёлвориб сўрайсиз.

Сизнинг синовчан, зийрак нигоҳингизни кўриб, доно ўгитларингизни эшитиб, қадимги юнон файласуфи Демокритнинг: "Куч ва кўрк ёшлик безаги, қариликнинг безаги эса заковат ва мулоҳазакорликдир", деган фикри нақадар тўғрилигига қайта-қайта амин бўламан.

Доно халқимизда азалдан: "Қари билганни пари билмас", деган ажойиб ҳикмат бор ва унинг замиридаги теран маъно бизни ҳамиша ўйга толдиради. Бу ҳикмат халқнинг бой тажрибалари, ҳаётий воқеалардан чиқарган хулосалари асосида юзага келган. Шу ҳақда яна кўплаб афсона ва ривоятлар ҳам мавжуд.

Айтишларича, бир мамлакат подшоси барча қари кишиларни йўқ қилишни буюрибди.

Биргина подшонинг вазири ўз отасини ҳаммадан яшириб, олиб қолибди ва ертўлада боқа бошлабди. Орадан бир неча йил ўтиб, мамлакатда даҳшатли қурғоқчилик бошланибди. Ҳеч бир зот офатнинг чорасини топа олмабди. Манаман деган фолбинлар, мунажжимлар, сеҳргарлар ҳам бармоқларини тишлаб қолишибди. Бу воқеадан хабар топган кекса чол ўғлига бир арининг ортидан кетаверишини ва ари қўнган ер ковланса, сув чиқажаклигини айтибди.

Чолнинг айтганларини қилиб, халқ сув топибди ва қурғоқчилик балосидан қутулибди. Подшодан вазир кечирим сўраб, унинг фармонига амал қилмай, отасини сақлаб қолганини ва бу офатнинг чорасини отаси айтганлигини маълум қилибди. Буни эшитган подшо ўйламасдан чиқарган фармонидан пушаймон бўлибди ва бундан сўнг қарияларни қаттиқ ҳурмат қилишни буюрибди.

Бу бир афсона. Лекин Аристотелнинг "Афсоналар ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон ҳикоялардир", деган фикрларини эслайлик. Ҳозирги ҳаётимизда ҳам бунга амин бўламиз. Кексаларнинг сўзлари — дуру гавҳар, тиллога топилмас ноёб маслаҳатлардир. Баъзан биз "ўқимишли"лар "ўқимаган" бу қарияларнинг сўзларига кўп ҳам қулоқ солавермаймиз. Аммо вақт ўтгач, уларнинг ҳақлигига иқрор бўламиз ва ўзимизнинг нодонлигимиздан пушаймон чекамиз. Уларнинг ҳикмат тўла насиҳатлари, пурмаъно сўзларигина эмас, балки нурли қиёфаларининг ўзи ҳам биз учун азиз. Севимли шоиримиз Сирожиддин Саййид:

"Мен Ватанни на китоб, на жаридадан ўрганганман,

Момоларнинг юзидаги харитадан ўрганганман,"— дея теран мисралар битаётганида, унинг ҳам хаёлидан худди шу ўй-фикрлар ўтган бўлса, не ажаб?!

Кексаларга нисбатан иззат-икромли бўлиш фазилатини биз кўпроқ Шарқда учратамиз. Бу билан мен асло Ғарбни камситмоқчи эмасман. Бизнинг улардан ўрганадиган жиҳатларимиз анчагина, албатта. Лекин мен ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган шундай хислатларимиз борлиги билан ҳақли равишда фахрланаман.

Ота-онасини ҳамиша эъзозлаганлар, қарияларни қадрлаганлар бизнинг халқда эъзозланади. Бунинг аксини қилганлар эса лаънатланади.

Яқинда радиода чет эллик таниқли бир олимнинг хотиржамлик билан: "Саксондан ошган қари ота-онам бор. Уларни бирор ножўя ҳаракат қилиб, бизга ҳам, ўзларига ҳам жабр қилиб юришмасин деган фикрда қариялар уйига жойлаштириб келдик", деган сўзларини эшитиб, этларим жунжикиб кетди. Ҳа, баъзи жойларда бу одатий ҳол. Лекин бизда бошқача. Кексаларга бўлган муносабатига қараб, кишининг маънавиятига баҳо берилади ҳатто!

Муқаддас китобимиз "Қуръон" ва пайғамбаримиз ҳадисларида айтилганидек, ота-онага ҳурмат, улар кексайгач, уларга суянчиқ бўлиш фарзандларнинг муқаддас бурчлари саналади.

Минг афсуски, гуруч курмаксиз бўлмас экан. Бизнинг орамизда ҳам урф-одатларимизни оёқ ости қилаётган, кекса ота-онасини зор қақшатиб, қариялар уйига топширадиган, номақбул ҳаракатлари билан уларни ранжитиб, диллларини ўкситадиган нодон, жоҳил фарзандлар ҳам борки, улар Оллоҳ қаҳрига ва халқнинг нафратига муносибдир.

Ҳурматли Юртбошимиз И.Каримов 2002 йил —"Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилди. Бу фикрнинг барчамизга маъқул келганлигининг боиси, энг аввало, унинг замирида инсонпарварлик ғояси мужассамлигидадир. Мустақил диёримизнинг кўрки, ғурури, меҳрибон, нуроний отахон ва онахонлар бугунги кунда давлат ва халқ эътиборидир. Қарияларни қадрлаш борасида юртимизнинг ҳар бир гўшасида турли савобли ишлар, тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қариялар уйидаги кўнгли ўксик отахонлар, онахонлар, ногирон қариялар бу тадбирлардан ниҳоятда мамнун. Уларга кўрсатилаётган меҳр-муҳаббат ва эътибордан кўзларида севинч ёшлари қалқийди, қўллари қайта-қайта дуога кўтарилади. "Дуо билан эл кўкарар", дейдилар. Юртимиз тинчлиги, кундан-кун равнақ топиб бораётганлиги, эҳтимол, кексаларимизнинг дуолари билан боғлиқдир. Шу боис улардан чексиз миннатдор бўлсак, арзийди. Уларнинг улуғвор чеҳраларига боқиб шундай дегимиз келади: "Халқимизнинг ва ёшларимизнинг бахтига доимо омон бўлинг, эй ҳаётимизнинг фаришталари, хонадонимизнинг нурли чароғбонлари. Умримизнинг гўзаллиги, оиламизнинг ободлиги сиз билан мангудир. Сиз келажагимиз ворислари — ёшларнинг жонкуяр раҳнамоси, ўрта авлоднинг суянган тоғи, Ватанимизнинг фахри, халқимизнинг ғурурисиз, азиз қариялар! Сизни қанчалик эъзозлаб, олқишларингизни олсак, шунчалик маънавий камолотга эришган бўламиз. Зеро, ҳазрат Навоий айтганидек, ота-оналаримиз ва кексаларимизни рози қилсак, тангри таоло ҳам биздан рози бўлади.

**Д.АБДУШУКУРОВА,**
**Жиззах давлат педагогика институти 3-курс талабаси**

Maktabgacha ta'lim

# КАТТАҚЎРҒОНДА КАТТА АНЖУМАН

Яқинда Каттақўрғон шаҳрида мактабгача таълим муассасалари раҳбарларининг республика амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда барча вилоятлардаги педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг мактабгача таълим муассасалари бўйича мутахассислари, вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг мактабгача таълим муассасалари бўйича етакчи мутахассислари, ноанъанавий мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, тажрибали мудиралар қатнашдилар.

Анжуман мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактабга тайёрлашда янги педагогик технологияларни жорий этиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унда Каттақўрғон шаҳар мактабгача таълим муассасаларида "Ўйин орқали болаларни мактабга тайёрлаш" мавзуси бўйича қилинаётган амалий ишлар билан анжуман иштирокчилари танишдилар.

Самарали, қизғин мунозаралар остида ўтган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳ.Аҳмедова, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Бекмуродовлар чиқиш қилишди ва анжуман ишига муваффақият тилашди.

Қатнашчилар Каттақўрғон шаҳрида болаларни мактабга тайёрлаш бўйича қўлланилаётган илғор иш услубларидан лавҳалар билан танишишди, мактабгача таълим муассасаларининг келажакдаги истиқболлари, янгиликлар, ноанъанавий ва замонавий таълим-тарбия усуллари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, улар 8-сонли мактабгача таълим муассасасида "Кичик тадбиркор" мавзусидаги мужассам машғулотни кузатишди, "Оналар мактаби" иш фаолияти билан танишишди ва болаларни мактабга тайёрлаётган жамоатчилик марказининг ишини ўрганишди.

Анжуман қатнашчиларида шаҳардаги 18-сонли мактабгача таълим муассасасининг болаларни мактабга тайёрлаш бўйича маҳалла қўмитаси билан ҳамкорликдаги иш фаолияти катта таассурот қолдирди.

Сўнгра анжуманнинг Каттақўрғон шаҳридаги иш жараёнига якун ясалиб, қатнашчилар Самарқанд шаҳрига йўл олишди. У ерда улар уч кун давомида республика Халқ таълими вазирлиги ва UNESCOнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган амалий семинарда иштирок этишди. Семинарда халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаев мактабгача таълим ривожланишининг муаммолари ва уларни ечиш йўллари ҳақида чиқиш қилди. UNESCOнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва UNESCOнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг ҳамкорликдаги фаолияти истиқболлари ҳақида тўхталди.

Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳ.Аҳмедова Ўзбекистонда мактабгача таълим сифатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳақида таҳлилий чиқиш қилди.

Москва (Россия Федерацияси) Давлат педагогика университети мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси кафедраси мудираси, педагогика фанлари доктори, профессор С.Козлова ва "Мактабгача ёшдаги болалар" марказининг катта илмий ходими Н.Реуцкаяларнинг маърузалари тингланди.

Бўлиб ўтган семинар давомида шаҳардаги мактабгача таълим муассасаларида "мастер-класс"лар ташкил қилиниб, уларда театрлаштирилган томошалар ташкил қилиш, фазовий-предметли муҳит яратиш, ижодий ўйинлар ташкил қилиш, болалар сайрига алоҳида аҳамият амалий тарзда намойиш этилди. Бундан ташқари, "болалар ўйин қобилиятини ривожлантиришда болалар боғчасининг роли" мавзусида коллоквиум ташкил қилинди. "Болалар боғчаси, мактаб ва уйдаги ўйинлар. Болалар ва катталар" мавзусида айлана стол атрофида мунозара уюштирилди.

Семинар иштирокчилари қадимий ва навқирон шаҳарда амалий аҳамиятга эга бўлган қизғин ишлаш билан биргаликда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида ҳам бўлишди.

Биз вақтдан фойдаланиб, семинарда иштирок этган айрим ҳамкасбларни суҳбатга тортдик.

**Мавлуда БОЗОРОВА, Навоий вилоят ПХКТМОИнинг педагогика-психология, бошланғич ва мактабгача таълим кафедраси катта ўқитувчиси:**

— Каттақўрғон шаҳридаги 18-сонли мактабгача таълим муассасасида ўтказилган компьютер сабоқлари, инглиз тилини ўрганиш машғулотлари, 8-мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган мўъжазгина тарих музейи бизга жуда ёқди. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича янги педагогик технологияларни анча ўрганиб олдик. Биз, албатта, ўрганган янгиликларимизни Навоий вилоятида тарғиб қилишга ҳаракат қиламиз.

**Марям АҲМЕДОВА, Хоразм вилоят ПХКТМОИ мактабгача таълим бўйича катта ўқитувчиси:**

— "Ўйин — ҳаёт сабоғи" мавзусида Самарқанд вилоятида ўтказилган амалий Кенгаш бизда катта таассурот қолдирди. Мактабгача таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг боришини Самарқанддаги 72-сонли, Каттақўрғон шаҳридаги 18-сонли МТМда кузатдик. 3 ва 17-мактаблар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Саводхонлик" марказида эса ноанъанавий усуллардан фойдаланиш асосида йўлга қўйилган мактабгача тайёрлаш ишлари бугунги кун талабига жавоб беришига амин бўлдик.

**Н.ШЕРБОЕВА,**
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**

# ЯНГИЛАНГАН РЕЖА ВА ДАСТУРЛАР

Qaror va ijro

Қадимда халқимиз ўз фарзандларини илм ҳунар ўрганиш учун берганда, устозга "эти сизга, суяги бизга", деб топширар эдилар. Бу устозга нисбатан чексиз ҳурматнинг бир ифодасидир.

Президентимиз И.Каримовнинг беосита ташаббуслари билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ, ўрта махсус, касб-ҳунар тълими янгидан шакллантирилмоқда. Таълим муассасаларидаги моддий-техникавий базани ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган бундай инқилобий ўзгаришлар билан бирга уларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш муаммоси ҳам мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг шу мақсадда қабул қилинган "Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2001 йилнинг 4 октябрдаги 400-сонли қарори ижросини таъминлашга эътибор қаратилиши лозим.

Ушбу қарорда педагог кадрларни тайёрлаш билан бир қаторда, фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳам алоҳида банд сифатида кўрсатилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш ишларини мувофиқлаштирувчи ўқув услубий кенгаш шу тизимдаги муассасалар томонидан амалга оширилаётган ишларни таҳлил ва назорат этиб боради.

Агарда ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида фаолият олиб бораётган педагог ва педагог-муҳандисларнинг малакасини оширишга бўлган талаб 2002 йилда 16300 тадан 2010 йилда 55620 тага етиши кутилаётганлигини ҳамда 2002-2010 йиллар мобайнида ҳаммаси бўлиб 320968 нафарнинг малакасини ошириш ва 60270 нафарини қайта тайёрлаш лозимлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда катта вазифадир.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш долзарб характерга эга. Бу соҳадаги ўқув режа ва дастурларининг тўлиқ ва мукаммал ишлаб чиқилиши ҳамда бозор иқтисодиёти шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда рақобатбардош кадрлар малакасини оширишга ва қайта тайёрлашга эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эга. Юқоридаги қарор ижроси юзасидан мувофиқлаштирувчи ўқув услубий кенгаш, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш шу тизимдаги институтлар, факультет ҳамда марказлар ҳамкорликда иш олиб боряпти. Кенгаш йиғилишларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбар, педагог ва педагог-муҳандислари, шунингдек олий ўқув юртлари қошидаги малака ошириш марказ ва факультетлари ҳамда институтлари томонидан тайёрланган ўқув режа ва дастурлар ҳар томонлама чиғириқдан ўтказилди. Ҳар бир дастурнинг мазмунан мукаммаллиги, кенг қамровлилиги, давлат талабларига мослиги ва замонавий ўқитиш услуби каби жиҳатлар синчковлик билан ўрганиб чиқилди. Фақатгина ҳар жиҳатдан талабга жавоб бера оладиган, мукаммал даражада ишланган ўқув режа ва дастурларгина тасдиқдан ўтказилди. Амалиётга татбиқ этиш учун лойиқ деб топилган ўқув режа ва дастурлар жумласига Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти, Тошкент давлат педагогика университети, Наманган муҳандислик-педагогика институти, Самарқанд Давлат чет тиллар институти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент кимё-технология инсититутлари қошидаги малака ошириш марказ ва факультетлари ҳамда Олий педагогика институти, Олий инженерлик педагогикаси институтлари томонидан тайёрланган ишларни киритиш мумкин.

Бу таълим муассасалари томонидан тайёрланган ўқув материаллари орасида ҳуқуқий, маданий-маърифий, бозор иқтисодиёти шароитида менежмент ва маркетинг бўйича тайёргарлик дастурлари қаторида бугунги кунда долзарб бўлган экология, соғлиқни сақлаш, гендер сиёсати (хотин-қизлар муаммоси), гиёҳвандлик, терроризмга қарши курашиш ва бошқа муҳим мавзулар ҳам четда қолмаган.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар ичидан танлаб олинган энг намунали 126 та (шулардан 27 таси педагогларнинг умумий тайёргарлиги бўйича, 99 таси фан ва соҳа ўқитувчилари ҳамда раҳбар ходимлар тайёргарлик йўналишларига оид) иш Осиё тараққиёт банкининг гранти бўйича, давлат талабларига асосланиб, ўқув режа, дастур, маъруза матнлари, кўргазмали ва тарқатма материаллар, баҳолаш тест топшириқларидан иборат ўқув-услубий мажмуалар малака ошириш курслари учун яратилди.

Бу қарор ижросини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан биридир.

**Э.ИМОМОВ,**
**Ж.ФАЙЗИЕВ,**
**С.ҚОДИРОВ**

# БУГУНГИ ЁШЛАР:
## УЛАРНИНГ КИТОБГА МУНОСАБАТИ ҚАНДАЙ?

***• Китоб — ўзига доимий ҳамроҳ бўлган кишини эзгулик ва дониш чўққисига етаклайди, илм билан ошно қалблардан эса ҳеч қачон ёвузлик чиқмайди.***

***• Китоб — умримиз йўлларини ёритиб бергувчи чироқ, тафаккуримизни чархлаб, маънавий дунёмизни бойитиб борувчи манба.***

Китоб — кишининг маънавий дунёсининг бойиши, фикрлаш доирасининг кенгайиши, бутун борлиққа теран кўз билан боқишига катта ёрдам берувчи восита. Уни доимий дўст билган инсон гўёки машъала тутган йўловчи, машъала унинг ҳаёт йўлларини ёритиб, нурли манзилларга элтади. Шунинг учун ҳам улуғ аждодларимиз қолдирган ҳикматларнинг асосий қисми ўқиш, илмли бўлиш мавзуларини қамраб олган.

Китоб ўқиган бола асардаги қайноқ фикрларни ўз қалбига жо этиб, юрт равнақи, ўзининг келажаги, туғилиб ўсган маҳалласи ҳақида қайғуради. Ўз мустақил фикрига эга бўлиб, бошқа ёт тушунчаларга осонликча бўйсуниб кетмайди. Кўчада китоб ўқиб ўтирган болаларни кўрсам, алланечук хурсанд бўлиб кетаман. Чунки бу изланиш келажак ҳаёт равнақи учун ташланаётган қадамлардир.

Яқинда автобусда кетаётиб бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Орқа ўриндиқда чиройликкина икки қиз суҳбатлашарди. Гапларидан нуфузли олий ўқув юртининг талабалари эканлиги маълум бўлди:

— Мен ўқишни ёмон кўраман, — деди биринчи қиз. — Қўлимга китоб олиб ўқидим дегунча, бошим ғовлаб кетади. Болалардан кўчириб олиб, базўр баҳойимни оламан.

Бунисининг гапига шериги қўшилиб, ўзининг ҳам китоб ўқишга хуши йўқлигини айтди...

Ана, холос?! Ўқишни хоҳламаган талаба эртага ким бўлиб етишади?! Ўз ўқув режасидаги фанларни ўзлаштиришга қийналаётган, янада тўғрироғи, хоҳламаётган бу каби ёшлар мустақил тарзда шуғулланиб, бадиий асарлар ўқишни хаёлларига ҳам келтиришмаса керак. Кўпинча дарс пайтида ҳам қўлларида турли кроссворду бошқотирмаларни кўтариб олган ёшларни кўрамиз. Ваҳоланки, улар бўш вақтини қизиқарли ўтказишга хизмат қилади, холос. Менимча, ўша бошқотирма ечимига кетадиган вақтда бадиий, илмий асарлар ўқилса, ўқувчида юқорида санаб ўтган ижобий хислатлар шаклланган бўлар эди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб, бу ердаги ўқувчилар, талабалар, бир сўз билан айтганда, китоб ихлосмандларини кўриб, ҳозиргина ўйлаб келаётган фикримдан қайтдим. Мазкур даргоҳга кирган ҳар бир киши ўзини тафаккур гулшанига тушиб қолгандек ҳис қилади. Ўз-ўзидан, барча китобларни ўқигингиз ва бутун олам сир-синоатларини қалбингизга жойлагингиз келади. Кутубхона қадимийлиги ва барча соҳанинг тегишли асарларини ўзида мужассам қилганлиги билан бошқа кутубхоналаридан ажралиб туради.

Бутун Марказий Осиёда энг қадимий зиё даргоҳи ҳисобланмиш ушбу кутубхона 1870 йилда ташкил қилинган бўлиб, ўша пайтда бу ерга китоблар барча давлатлардан отларда, туяларда олиб келинган. Зиё масканидан қадимий дурдоналар ҳам ўрин олган бўлиб, 1887 йили Европадан XVI-XVIII асрларда нашр қилинган ноёб китоблар келтирилган. Алишер Навоийнинг 500 йиллик таваллуди муносабати билан 1948 йили ушбу масканга унинг табаррук номи берилган.

Кутубхонага олиб келинган китобларни таснифлаш ишларини олиб борган немис олими Е.Бетгер, биринчи директор Н.Дмитровский, кўп йиллар давомида раҳбарлик қилган Ж.Тожиева каби фидойи инсонлар зиёхонанинг гуллаб-яшнашида ўзларининг бор куч ва имкониятларини ишга солганлар.

Кутубхонанинг ўсмирлар бўлимига кириб, у ердаги аҳвол билан танишдик. Хоналар ёруғ, шинам. Жавон ва столларга барча журналлар, газеталар тартиб билан жойлаштирилган. Кутубхоначи қиз икки-уч нафар ўсмирларга аъзолик чиптаси ёзиб бераяпти. Соат 2 дан 30 дақиқа ўтган пайтда бу ерда фақат 17 нафар китобхон ўтиришган эди. Китобхонлар кам экан, деган фикрда у ёқ-бу ёққа разм солиб ўтирдим. Ярим соатлар орасида қироатхона ўқувчиларга тўлиб кетди. Кимдир каталогдан керакли асарни излаётган, яна кимдир буюртма бераётган, бошқа биров китобини олиб ўқиётган...

Қайноқ ҳаёт давом этмоқда, мана, бу ёнимда ўтирган қизнинг бошини эгиб, китоб ўқишини кўрсангиз, нима ўқиётган экан, деб қизиқасиз. Гўё асарнинг ичига кириб кетгандек, бутун борлиқни унутган. Шундай изланувчан ёшларни кўриб, ўз келажагига ўзлари пойдевор қураётганликлари, порлоқ ҳаёт учун астойдил интилаётганлигига ҳавасингиз келади.

Кутубхонанинг ўсмирлар бўлими фондида 41 мингта китоб мавжуд бўлиб, бу ерда йилига 12 минг нафар китобхонга хизмат кўрсатилади. Шунингдек, СОРОС жамғармаси кўмагида ташкил этилган "Мунозара" ахборот-ресурс марказида ҳам 1000 га яқин китоблар, 32 номдаги журналлар, компьютер, телевизор, видеомагнитофон ва бошқа техник воситалар мавжуд. Бўлим мудири Л.Горбунованинг таъкидлашича, айнан шу марказ очилгандан бери бу ерда китобхонлар сони кескин ортган. Боиси, у ердан ўрин олган қўлланмалар жаҳондаги энг сўнгги маълумотлардан иборатлиги билан диққатга сазовордир. Барча соҳаларни ёритиб берадиган ранг-баранг китобларни кўздан кечирар эканман, уларнинг аксарияти рус тилида эканлигига амин бўлдим. Бинобарин, ушбу китоблар моҳир таржимонлар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп эттирилса, ўқувчиларимиз янада кўпроқ маълумот олган бўлар эдилар. Китоб мутолаа қилаётган ёшларни суҳбатга тортдим.

**Сардор ХУДОЙБЕРГАНОВ, Тошкент Молия институтининг 1-курс талабаси:**

— Мен ҳар доим кунимнинг иккинчи ярмини шу ерда ўтказаман. Чунки бу даргоҳ бошқа кутубхоналарга қараганда тинч ва дарс қилиш учун қулай. Истаган манбаларни топиб ўқиймиз. Яна бир жиҳати борки, кутубхонага келгач, ўқишдан кейинги бўш вақт ҳам тўғри режалаштирилади. Бу ерда бошқа олийгоҳлардан келган болаларнинг билими, тиришқоқлигини кўриб, менда ҳам интилиш пайдо бўлади. Улардек бўлишга ҳаракат қиламан, яъни бу ерда зиёли бўлиш учун муҳит етарли.

Қўлида "Рим қонунчилиги" деган китобни ушлаган йигит ўзини **Инъомжон Аҳмедов** деб таништирди. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетининг 1-курсида таълим олаётган китобхон ўз фикрини шундай изоҳлади:

— Бу ерда "Мунозара" марказининг ташкил қилиниши биз учун яратилган энг катта имконият деб биламан. Чунки ундаги қўлланмаларда турли соҳалар бўйича хорижий иш тажрибалари, янгиликлар кенг ёритиб берилган. Мана бу китобда ҳам Қадимги Рим империясидаги қонунлар, ҳозирги ҳуқуқшунослик ривожи тўғрисида чуқур маълумот берилган. Мен шу китобни бошқа кутубхоналардан излаб, тополмаган эдим. Бу ерда эса менга зарур бўлган шу маълумотга эга бўлдим.

Умуман кутубхонада китобхонлар кўп, тартиб-интизом ҳам жойида... Лекин шунча йиллардан буён қанчадан-қанча инсонларга хизмат кўрсатиб, халқимиз маънавиятини юксалтиришда асосий таянч бўлиб келаётган улуғ даргоҳда бирорта ошхона ёки кичик буфет йўқлиги кишини ўйга толдиради. Ахир кутубхонага келгувчиларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари ва талаба-ёшлар бўлса, улар ҳам ўқув машғулотларидан чиқиб, тўғри шу ерга келишади. Ўйлаймизки, бу масала ҳам ўз ечимини топса, кутубхона бундан-да кўплаб китобхонларни ўзига жалб эта олган бўларди.

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# ТАБИАТНИ АСРАЁТГАН БОЛАЛАР

*Ҳалқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида Жиззах вилоятининг Фориш тумани мактаблари ўқувчилари иштирокидаги "Жонажон ўлкамиз табиатини асраймиз!" расмлар кўрик-танлови натижалари эълон қилинди. Танловни БМТ тараққиёт лойиҳаси, ГЭФ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати "Нурота—Қизилқум биосфера заҳирасинининг яратилиши Ўзбекистонда биоҳархилликни сақлаш модели сифатида" ўрта масштабли лойиҳаси ҳамда Фориш туман ХТБ ҳамкорликда уюштирган эдилар.*



*Нурота тоғлари бағрида жойлашган Янгиқишлоқ қишлоғида туман қишлоқларидан келган ўқувчилар ўз устозлари билан, лойиҳа ходимлари ва Фориш туман жамоатчилиги вакиллари "Жонажон ўлкамиз табиатини асраймиз!" кўргазмаси очилиш маросимига йиғилдилар. 30-мактаб фойесига ўрнатилган ёш ҳаваскор рассомлар қаламига мансуб расмларнинг барчасида Нурота тоғлари, уларнинг наботот ва ҳайвонот дунёси чиройли қилиб, янги нигоҳлар воситасида тасвирланган.*

*Кўргазма бир ой давомида форишлик мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган танловнинг якуни ҳисобланади. Танловни ўтказиш ғояси шу йил апрель ойида лойиҳа томонидан ўқитувчилар учун Янгиқишлоқда ўтказилган семинарда туғилган эди. Унда кўпгина ўқитувчилар Нурота—Қизилқум ҳудудида биологик ҳар хилликни сақлаш учун мактаб ўқувчиларининг экологик билимлари ролини муҳокама қилишар экан, "Бир картина мингта сўзнинг ўрнини босиши мумкин", деган хитой нақлига мувофиқ расмлар танловини ўтказишга қарор қилишди. Болалар гўзал табиат манзараларини тасвирлашар экан, табиат бизнинг ҳимоямизга муҳтож эканлигига урғу беришган.*





*Йигирма нафар якуний босқичга чиққан ўқувчиларнинг 50 га яқин иши "Нурота—Қизилқум биосфера заҳирасининг яратилиши Ўзбекистонда биоҳархилликни сақлаш модели сифатида" лойиҳаси томонидан ажратилган эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ёш рассомлар бўёқ, қалам, альбом ва бошқа рассомчилик жиҳозларига эга бўлдилар.*

**Ҳ. КАРВОНЛИ**

# БЕҒУБОР ОНЛАР

**Болалигимизнинг энг беғубор, шўхликлару шодликларга тўла маъсум онлари мактаб қучоғида ўтади. Кейинчалик бу даврни чуқур бир энтикиш билан фарзандларимиз, синфдошларимиз даврасидагина эслаймиз.**

**Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Амир Темур номидаги 25-ўрта умум таълим мактабида бундан 20 йил муқаддам шу илм масканини битирган синфдошларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Кечани мактабга узоқ йиллар директорлик қилган Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Озода опа Шукурова очдилар. Собиқ ўқувчиларини орадан 20 йил ўтиб, яна қадрдон мактаблари бағрида учрашиб турганликлари билан табрикладилар. Хотира — инсонни ўтмишга етакловчи ажойиб тилсимдир. Шу кунларга етмаган устоз ва ўқувчиларнинг номлари хотирланди. Шогирдларининг бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида Ватан равнақи учун муносиб ҳисса қўшаётганликларидан фахрланиб сўз айтилди.**

**Ўқитувчилардан Шоҳида Бўриева, Ислом Исмоилов, Одил Акмалов, Назира Ғуломовалар ҳам сўзга чиқишди.**

**Ойдин ҲАМРОЕВА**

Iqtidor e'tirofi

# "БОЙСУН БАҲОРИ"НИНГ АНДИЖОНЛИК ҒОЛИБИ

*Сурхондарё вилоятининг мафтункор Бойсун туманида БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти ташаббуси билан "Бойсун баҳори"деб номланган халқаро фольклор этно-график санъат фестивали бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли йиғин баҳона халқимизнинг минг йиллар оша жилоланиб келаётган урф-одатлари, санъати, маданияти ва қадриятлари яна бир бор оламга кўз-кўз қилинди.*

*"Бойсун баҳори" байрамида Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 7-мусиқа мактаб-интернати 10-синф ўқувчиси Муҳаммаджон Раҳимов ҳам иштирок этди. Ўзбек халқ анъанавий чолғучилик номинацияси бўйича танловда иштирок этган Муҳаммаджон бир йўла анъанавий чолғучилик ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов номли танловлар ғолиби бўлди.*

*Мактаб-интернатнинг дутор синфида таҳсил олаётган Муҳаммаджон Раҳимов танловнинг ҳар иккала босқичида ҳам дуторда ўзбек халқининг мумтоз куйларини мароқ ва моҳирлик билан ижро этганлиги учун ҳакамлар ҳайъатининг юқори баҳосига сазовор бўлди.*

*Атоқли санъаткорлар, санъатшунослар ва мусиқа илми билимдонларидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати қарори билан ёш ижрочи М.Раҳимов махсус диплом ва Турғун Алиматов номли танлов махсус соврини — дутор сози билан тақдирланди.*

*— Халқаро фестивалда қатнашиш ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлиб қолади, — дейди М.Раҳимов, — чунки фестивалда кўплаб халқларнинг санъати, маданияти билан танишдим. Энг муҳими, бу тадбир ўз иқтидоримни намойиш этишга кенг имконият яратди. Бунинг учун мактаб-интернатимиз раҳбариятидан, айниқса, устозим Адҳамжон Исмоиловдан миннатдорман.*

**О.СИДДИҚОВ**

# ШОДЛИГУ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ...

**Маънавиятимизнинг юксалишида, ўсиб келаётган авлоднинг Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб шаклланишида санъат муҳим ўрин эгаллаши, шубҳасиз. У инсонни гўзалликка ошно этади, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди. Тил билмаган кишилар санъат орқали бир-бирларини тушунадилар. Мирзо Улуғбек тумани қўшимча таълим мажмуаси директори Гулираъно Абдураззоқова ҳам санъат шайдоларидан. Бу ташаббускор аёл болаларнинг санъатга бўлган ҳавасини ошириб, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.**

**Яқинда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида мазкур қўшимча таълим мажмуаси туман халқ таълими бўлими билан биргаликда "Ўзбекистон— Ватаним маним" қўшиқ байрамини ўтказдилар.**

**Тумандаги 18, 35, 50, 210, 222-мактабларнинг бирлашган хори ва Л.Хворикова, Н.Ортиқова раҳбарлигидаги рақс жамоалари бир-биридан гўзал саҳна чиқишлари билан кўпчиликка шодлик улашдилар. "Чиннигул" вокал чолғу дастасининг қўшиқлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари иқтидорли болалар ижодини муносиб баҳоладилар. Бўлиб ўтган қўшиқ байрами кичкинтой санъатсеварларни саҳна билан ошно қилиб, қалбларни бир олам қувончу шодликка тўлдирди.**

**Ушбу тадбирда қўшимча таълим мажмуаси қошидаги "Шодлик", "Ниҳол", "Мўъжизалар оламида" клублари ҳам фаол қатнашдилар.**

**Ширманой АСРАНОВА**

**Суратда: байрам тантанасидан лавҳа.**



# ҒОЛИБЛАР БАЙРАМДА ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги болалар ташкилоти, республика Ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган байрам дастурлари пойтахтимиздаги Боғи Эрам истироҳат боғида ўтказилди. Тантанага Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 56 нафар ўқувчилар таклиф этилган бўлиб, иштирокчилар март ойидан буён давом этиб келаётган "Истиқлол чечаклари" республика кўрик-танловида ўз билим ва кўникмаларини 4 та шарт асосида синовдан ўтказдилар. Танлов учта гуруҳда ўтказилиб, ғолиблар аниқланди. 1-гуруҳдан (5-синфгача) 1-ўрин Г.Шомуродова (Бухоро), 2-ўрин Ҳ.Раҳматова (Тошкент), 3-ўрин Л.Рўзметова (Хоразм); 2-гуруҳдан (6—8-синфлар) 1-ўрин Б.Ражабов (Сирдарё), 2-ўрин Н.Улуғова (Сурхондарё), 3-ўрин Ф.Тоиров (Бухоро); 3-гуруҳдан (9—11-синфлар) 1-ўрин Ш.Ҳайиталиева (Сирдарё), 2-ўрин Т.Жалмамедова (Самарқанд), 3-ўрин А.Йўлдошев (Наманган)ларга насиб этди. Совриндорларни тақдирлаш айнан байрам кунига тўғри келди.

Боғи Эрам истироҳат боғи ранг-баранг гулларга ва турли шакллардаги ҳаво тўлдирилган шарларга бурканди. Бутун боғ болаларнинг қийқириғию шодон кулгуларига тўлиб кетди. Дастлаб танлов ғолибларининг дастурлаштирилган концерти бўлиб ўтди. Улар ўзларининг чиройли рақсларию қизиқарли чиқишлари билан барчага байрамона кайфият улашдилар.

— Бир йилдан буён анъанавий тарзда тўгаракларaро ўтказилиб келаётган ушбу тадбир шу йилнинг март ойидан бошлаб республика миқёсига кўтарилди, — дейди республика Ўқувчилар техник ижодиёт маркази раҳбари Т.Қорабоев. — Кўрик-танлов ўқувчи-ёшларимизнинг миллий истиқлол ғояси, Президент асарлари, халқимизнинг маънавий мероси ҳақидаги билим ва тушунчаларини яна бир карра мустаҳкамлади.

Иштирокчи ўқувчиларга Шароф Рашидов номидаги жамғарма ва "Болалар" жамғармаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Назокат ХОЛМЕТОВА**

# БОЛАНИНГ КЎКСИДА ҚУЁШ ПОРЛАЙДИ

Юртимизнинг ҳар бир мактабгача таълим муассасаларида — Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб бир-биридан ўзгача тадбирлар ўтказилди. Чилонзор туманидаги 444-мактабгача таълим муассасасида ўтказилган тадбир ҳам қўш байрамга айланиб кетди. Нега дерсиз? Байрамни нишонлаш эрта тонгдан шеъру қўшиқлар айтиш билан бошланди. Ота-оналару боғча опалар болажонларга совға-саломлар улашганида уларнинг қувончлари чексиз эди. Байрам эрталигини тезгина тамомлаб, "Йил дурдонаси" тайёрлов гуруҳидаги болажонларни мактабга кузатиш дастури бошланганда, шу ҳудуддаги мактаблардан келган ўқитувчилар ва боғча опаларда қандайдир ҳаяжон сезилди. Чунки энди боғча опалар ўз тарбиясидаги болалар кўрсатадиган натижалар қандай бўларкин, дея ўйлашаётган бўлса, бошланғич синф ўқитувчилари эса "янги" болаларнинг мактабга тайёргарлиги қай даражада экан, дея синчковлик билан кузатаяпти. Боғчанинг 2 та тайёрлов гуруҳидаги 58 нафар тарбияланувчиси "учирма" бўлмоқда. Улар бир йил мобайнида тайёрланишган, машғулотлар ва байрам дастурларидан парча-парча олган ҳолда йиғма композицияларини барча меҳмонларга намойиш этишди.

Энг қизиғи шундан сўнг бошланди. Ўн йилдан буён Чилонзор туман ҳокимлиги, туман ХТБ, "Соғлом авлод" жамғармаси ҳамкорликда ташкил қилаётган Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғидаги сайил ва болалар спартакиадасига мутасаддилар билан бирга ота-оналар ҳам ташриф буюришди. Анъанага айланиб қолган бу чиниқиш "байрам"ида туманнинг 10 та намунали боғчаларидан келган тайёрлов гуруҳ болалари 5 та шарт бўйича беллашишди. Ҳаммалари бир хил — миллий спорт кийимларида тизилишган болаларнинг эпчил ҳаракатлари, ҳеч бир спортчиникидан қолишмайдиган, ёшига мос кучлилиги, барча-барчаси ўзига хос ярашиқли. Байрамлар байрамларга туташган бундай кунда кўзлари чақноқ бахтли болаларнинг кўкрагида қуёш порлайди!

**Насиба ЭРХОНОВА**

# МАЗМУНЛИ УЧРАШУВ

***Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги академик лицейда таниқли шоир Азим Суюн билан ёшларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни лицей директори Аҳрор Ҳусанов олиб борди.***

***Учрашувда шоир ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди. Тадбир йиғилганларда мазмунли таассурот қолдирди.***

**Воҳид АҲМЕДОВ**

# БОЛАЛИКНИ ЭСЛАБ...

**Бундан роппа-роса ярим аср аввал болалик деб аталмиш беғубор дамларга нуқта қўйиб, ҳаёт уммонига шўнғиган Шайхонтоҳур туманидаги 45-ўрта мактаб ўқувчилари дийдорлашдилар. Бу кўнгилли учрашув Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди. Сабаби, байрам орқали бутун бир болаликни эсга олишди. Синфдошлар ўтган болалик дамларини ёдга олишар экан, у пайтларда болаларга қандай эътибор берилгани ва бугуннинг фарзандлари қандай ҳимояланаётганига тўхталиб ўтдилар.**

**Байрам иштирокчилари давлатимиз томонидан болаларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликлар учун миннатдорчилик билдиришди.**

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ**

*Асарни томоша қилар экансиз, уйғониш фаслининг шукуҳи беихтиёр руҳиятингизга кўчади, кайфиятингиз кўтарилади.*

*Кўргазма жадваллар, ҳеч шубҳасиз, биологиядан ўтилаётган дарснинг самарадорлигини оширади, ўқувчиларни маҳаллий ўсимликлар билан яқиндан таништириб, уларнинг билимини янада мустаҳкамлайди.*



Qonun va fuqaro

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РЕФЕРЕНДУМИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

14-МАҚОЛА

*Халқнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги иштирокининг типик кўриниши — бу референдумдир. Референдум билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар дастлаб мамлакатимизда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган ва шу санадан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги қонуни билан тартибга солинганди. **2001 йил 30 августда** ушбу қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди ва 2001 йил 9 ноябрдан (яъни, матбуотда эълон қилинган кундан) амалга киритилди. Қонун 43 моддадан иборат.*

*Қонунга кўра, **Референдум** деганда Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларини қабул қилиш мақсадида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз бериши тушунилади.*

*Референдумнинг қиммати шундаки, унда овоз берувчи фуқаролар шахсан иштирок этадилар (бинобарин, вакил орқали иштирок этишга йўл қўйилмайди), унда қўйилаётган масала юзасидан ўз муносабатларини билдирадилар. Овоз берувчининг ушбу билдирган муносабати келгусидаги жамият ва давлат тақдири, пировардида ўзининг тақдиридир.*

*Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Унда қабул қилинган қарорлар юридик кучга эга ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Шу муносабат билан бу хилдаги сиёсий тадбирда фуқаролардан фаоллик, вазминлик, бевоситалик, мустақиллик талаб этилади. Шу маънода референдумни фуқароларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилашлари, десак ҳам бўлади.*

***Референдумга қуйидаги масалалар қўйилмайди:***

*— Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ўзгартириш;*

*— амнистия ва авф этиш;*

*— жамоат тартибини, аҳоли соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилинч чора-тадбирлар ўтказиш;*

*— Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;*

*— мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш.*

***Қуйидаги ҳолларда референдум ўтказилмайди:***

*— Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида жорий этилган ҳарбий вақт ёки фавқулодда ҳолат шароитларида;*

*— ҳарбий вақт тугаган ёки фавқулодда ҳолат бекор қилингандан кейин уч ой давомида референдум ўтказилмайди.*

*Шунингдек, референдум натижалари расман эълон қилингандан кейин бир йил мобайнида мазмун-моҳиятига кўра худди шундай савол қўйилган референдум ўтказилмайди.*

***Ўзбекистон Республикаси референдумида кимлар иштирок этиш ҳуқуқига эгалар?***

*Референдум ўтказиладиган кунга қадар ёки референдум кунида ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси иштирок этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган ёки турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳам референдумда иштирок этишга тўла ҳақлидир. Референдумда иштирок этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклаш ман этилади. Айни пайтда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган шахслар референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.*

***Кимлар референдум ўтказиш ташаббусига эгалар?***

*— Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;*

*— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси;*

*— Ўзбекистон Республикасининг Президенти.*

***Референдум тайинлаш ҳуқуқи кимга тегишли?***

*Референдум Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти референдум ўтказиш ташаббускори бўлган тақдирда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаат этиши ёки референдум ўтказиш тўғрисида ўз қарорини қабул қилиши мумкин.*

**Миродил БАРАТОВ**

# ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ

**Жиззах вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти маъмурияти қатор йиллардан буён ўқитувчиларнинг манфаатларини ўйлаб вилоят туманларида кўчма малака ошириш курслари ташкил қилиб келмоқда. 2002 йилда она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари учун 4 та кўчма курс режалаштирган. Яқинда ушбу курсларнинг 2 таси Бахмал ва Ғаллаорол туманларида ўтказилди. Бунда тумандаги ўқитувчиларнинг сони, албатта, инобатга олинди. Ҳар иккала курс тингловчиларига малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари маърузалар ўқишди, амалий машғулотлар ўтказишди.**

**Ўқув курсларида туман халқ таълими бўлими мудирлари (З.Умарова, А.Зикиряев)нинг иштирок этиши ва курс тингловчиларига маърузалар қилишлари эътиборли бўлди. Курс тингловчилари туманлар мактабларида амалий машғулотлар ўтказишди. Ҳамда она тили ва адабиёт машғулотларининг қандай ташкил қилинаётганлигини, ДТСнинг амалда қўлланилишини кўрдилар, тажриба алмашдилар.**

**Ўқиш давомида курс тингловчилари олган билимлари ҳамда тажрибалари асосида рефератлар ёзиб топширдилар. Бахмал туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси С.Оқмуродованинг "А.Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи ва унда оилавий ҳаёт психологиясининг акс этиши" мавзусидаги, 8- мактаб ўқитувчиси З.Мамадалиеванинг "5-синф она тили дарсларида ДТС асосида ишлаш" мавзусидаги, Ғаллаорол туманидаги 57-мактаб ўқитувчиси С.Холбўтаевнинг "Ёзма ишлардаги пунктуацион хатоларни бартараф қилиш йўллари" мавзусидаги, 43-мактаб ўқитувчиси Д.Суяровнинг "Ўқувчи тафаккури ва нутқини ўстиришда муаммоли саволларнинг аҳамияти" мавзусидаги рефератлари тақризчилар томонидан юқори баҳоланди.**

**Таъкидлаш жоизки, туманларда уюштирилаётган малака ошириш кўчма курслари ўзининг яхши самарасини бермоқда.**

**Т.АЛМАМАТОВ, И.ИСМОИЛОВ, ЖВПКТМОИ ходимлари**

# БОТАНИКАДАН ЯНГИ ЖАДВАЛЛАР

Сўнгги йилларда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар профессор Ў.Пратов бошчилигида чиқарилган "Ботаника" дарслиги бўйича билим олмоқдалар. Ушбу дарслик ботаника фанининг асосларидан дарс бериш билан бир қаторда, республикамизнинг ўсимликлар дунёси ҳақида ўқувчиларга чуқур билим беради.

Ўқувчилар республикамизда 4500 га яқин ёпиқ уруғли ўсимликлар ўсиши, шулардан 3700 га яқинининг икки уруғ паллалилар синфига, 800 га яқинининг эса бир уруғпаллалилар синфига киришини ҳамда Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган ўсимликларни мазкур "Ботаника" дарслигидан билиб оладилар. Ўсимликларнинг ҳаёти, ривожланиши, ташқи ва ички тузилиши, тарқалиши, ўтмиши, улардан оқилона фойдаланиш йўлларини ва уларни муҳофаза қилиш усулларини ўрганадилар.

Биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Ў.Пратов ва С.Орифхўжаевларнинг ҳамкорликда яратган "Ботаникадан кўргазмали материаллар" номли жадваллари эса дарс жараёнининг янада самаралироқ ва жонлироқ бўлишига, ўқувчиларнинг ботаникадан пухта ва мукаммал билим олишларига ёрдам беради. Таъкидлаш жоизки, мактабларимизда маҳаллий материаллар бўйича ҳалигача бундай жадваллар чоп этилмаган эди. Шу жиҳатдан ҳам бу кўргазма жадвал ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Кўргазмалар тўплами сифатли кўринишда Ибн Сино нашриёти томонидан 7000 нусхада нашр этилди.

Жадвалларда ўсимликларнинг ҳужайралари, органлари (илдизи, пояси, барги, гули, меваси), вегетатив йўллар билан кўпайиши, Ўзбекистонда кенг тарқалган йирик оилалар (раънодошлар, гулхайридошлар, карамдошлар, буғдойдошлар, қоқиўтдошлар, лоладошлар, бурчоқдошлар) ҳақида кенг маълумотлар берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган (заъфарон, лола, оқ парпи, Ўзбекистон чинни гули, анзур пиёзи, тиёншон мармараги) каби ўн битта камёб ва эндем турлар, Ўзбекистоннинг 10 та доривор (сачратқи, бўйимодорон, оққалдирмоқ, зубтурум, ширинмия ва бошқалар) ўсимликлари, республикамизда очиқ жойларда ва хоналарда ўстириладиган бир нечта гулларнинг расмлари келтирилган. Қайд этилган турлар ўқувчиларнинг она — табиатимизни, шу жумладан, унинг ўсимликлар дунёсини асраб-авайлаб, келажак авлод учун инъом этишида муҳим роль ўйнайди, деган фикрдамиз. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир жадвал ўзига хос мазмунга эга.

Жадваллардаги ўсимликларга оид расмларнинг барчаси маҳаллий шароитда ўсадиган ва кўпчиликка маълум турлардан иборат. Масалан: раънодошлар оиласи учун Ўзбекистонда кенг тарқалган гилоснинг гули олиниб, унинг барча қисмлари гулнинг схематик диаграммаси ҳамда шу оилага мансуб республикада кенг тарқалган яна бир ўсимлик наъматакнинг чиройли очилиб турган гули, унинг кесмаси ва меваси келтирилган. Жадвалнинг пастки қисмидан эса раънодошлар оиласига кирувчи турли туркумларнинг мевалари ва атиргулнинг рангли расмлари ўрин олган. 7-жадвалга назар ташлаган ўқувчи унда маҳаллий шароитда ўсадиган турли меваларни кўради. Мевалар дарслик билан боғлиқ ҳолда дастлаб иккита гуруҳга, хўл ва қуруқ меваларга ажратилади.

Хўл мевалар данакли (чин), олма (сохта, туп-анор, резавор) (қорақат, помидор, узум), қовоқ меваларга бўлиб келтирилади. Қуруқ мевалар эса ёнғоқ мева, дуккак мева ва қанотчали меваларни ўз ичига олади.

Гуллар ва тўпгулларга бағишланган жадвалда гулнинг тузилиши, яъни оддий ва мураккаб гулкургонлар, бир жинсли, қуш жинсли, бир уйли, икки уйли гулкурғон бўлаклари (гулкоса, гултож, чангчи ва уруғчи), чангларнинг хиллари, гулларнинг турли йўллар (ўз-ўзидан, четдан ва бошқалар) билан чангланиши келтирилган. Шу жадвалда дасрликда берилмаган гулнинг тузилишига оид жуда муҳим рангли расм ва оқ-қора гул диаграмма бор. Унда рангли расмдаги ҳар бир гул бўлаги гул диаграммасидаги гул қисмлари билан бир хил сонда ифодаланган.

Жадвалнинг чап томонида эса каллак, саватча, бошоқ, шингил тўпгуллар ўрни олган. Жадвалларнинг яна бир афзаллик томони шундаки, улар биринчи марта ботаника фанидаги энг янги тизим ва номлар асосида яратилган. Шу боис унда бўлим ва оилаларнинг янги номлари келтирилган. Масалан, очиқ уруғли ўсимликларни ўз ичига олувчи бўлим қарағай тоифа деб номланган, бутгулдошлар оиласи эса карамдошлар, бошоқдошлар оиласи буғдойдошлар, дуккакдошлар оиласи бурчоқдошлар оиласи билан алмаштирилган. Шунинг учун ҳам бу кўргазма жадвалларнинг тендерда ғолиб чиққанлиги бежиз эмас.

Кўргазма жадваллар, ҳеч шубҳасиз, биологиядан ўтилаётган дарснинг самарадорлигини оширади, ўқувчиларни маҳаллий ўсимликлар билан яқиндан таништириб, уларнинг билимини янада мустаҳкамлайди.

Республикамиздаги ўрта мактабларнинг сони 10 мингга яқинлиги, ҳар бир мактабда параллел синфларнинг мавжудлиги, шунингдек, ўрта махсус, касбҳунар таълими муассасаларини ҳам ҳисобга олсак, чиқарилган 7000 тўплам нашри дарёдан томчидек туюлади. Шунинг учун, жадваллар катта тиражда нашр этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур жадвалдан олий ўқув юртларида ҳам дарс жараёнида фойдаланиш мумкин.

**О.ИШОНҚУЛОВ,**
**ТошПМИ қошидаги Юнусобод академик лицейининг директори, биология фанлари доктори, профессор,**
**У.ТОШМУҲАМЕДОВ,**
**олий тоифали биология ўқитувчиси,**
**И.ПИРОВ,**
**Шовот тумани 5-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси**

# КАДРЛАР АУКЦИОНИ

**Яқинда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг шу йилги битирувчиларини иш билан таъминлаш ва тегишли жойларга тақсимлаш мақсадида анъанавий "Кадрлар аукциони" бўлиб ўтди. Унда битирувчи талабалар (394 нафар бакалавр ва 93 нафар магистрлар), "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзбекипаги" уюшмалари, "Ўзбек-Америка", "Қобул—Ўзбек" қўшма корхоналари ҳамда бир қатор идора ва ташкилот вакиллари, устоз-мураббийлар иштирок этдилар.**

**— Ҳар йили республикамизда 1,5 миллион гектар ерга пахта экилади, пахта ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар 100 дан ортиқ мамлакатларга экспорт**

Tadbir

**қилинади. Шундай экан, саноатимизнинг "юраги" ҳисобланган пахта саноати учун етук кадрларга эҳтиёж катта. Хурсандмизки, бу эҳтиёжларни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти тўлиқ қондириб келаяпти, — деди "Ўзпахтасаноат" уюшмаси кадрлар бошқармаси бошлиғи Норбек Қаюмов.**

**Шунингдек, битирувчи талабалар ҳам сўзга чиқиб, ўзларининг билимли, малакали ва етук шахс сифатида камол топишларига улкан ҳисса қўшган институт жамоасига, севимли устозларига ташаккур изҳор этишди.**

**Ҳа, бу йилги битирувчилар аукционда таъкидлаб ўтилганидек, "Ўзпахтасаноат", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзбекипаги", "Ўзбекчарм" каби йирик уюшмаларда, қўшма корхоналарда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, матбаа корхоналарида, банк, молия, солиқ идораларида ва тўқимачилик машинасозлиги каби бир қатор масканларда фаолият юрита бошлайдилар. Ва бунда уларнинг институтда олган назарий билимлари қўл келади.**

**Фаррух БЎТАЕВ, "Ma'rifat" мухбири**

# БЕТАКРОР РАНГЛАР НАМОЙИШИ

**Пойтахтдаги Ҳиндистон маданият марказида мусаввир Анорқул Бойбеков асарларининг кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмага ижодкорнинг қирққа яқин акварел ҳамда мойбўёкда ишланган асарлари қўйилган.**

— Эндигина ўттиз олти баҳорни қаршилаган рассом Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида туғилган, — деди марказ директори Татьяна Горових "Туркистон пресс" мухбирига. — 1996 йилдан бери турли кўргазмаларда иштирок этиб келади. Унинг асарлари фақат Тошкентдагина эмас, Буюк Британия, Туркия, Германия, Россия, Франция ва АҚШ мамлакатларидаги хусусий коллекцияларда сақланмоқда.

Т.Горовихнинг айтишича, Анорқул Бойбеков асарларида мўйқалам соҳибининг она-табиатга бўлган эҳтиромини кўриш мумкин. Рассомнинг мойбўёкда ишланган "Ўрикли қишлоқ" манзарасида тоғ орасидаги қишлоқ нафармон рангга бурканган ўрикзор манзарасида тасвирланган. Ундаги уйғонаётган табиатнинг бетакрор ранглари жонли бир манзара ҳосил қилади. Асарни томоша қилар экансиз, уйғониш фаслининг шукуҳи беихтиёр руҳиятингизга кўчади, кайфиятингиз кўтарилади.

Рассомнинг акварелда ишланган "Ҳовуз" асарида эса куз фаслидаги яланғоч дарахтлар акси тушиб турган ҳовуз маҳорат билан акс эттирилган. Унда рассом ўзи топган манзарани ўйчан бир ҳолатда ифодалаганки, фаслнинг бетакрор таровати томошабинни энтиктиради. Анорқул Бойбеков асарларида нафақат юртимиз табиатининг ўзига хослиги, балки олис тоғ қишлоқларидаги аҳоли турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари, ундаги миллий калорит ҳам ёрқин ифодасини топади.

**"Туркистон-пресс"**



**Шундай камол топар, мустақил юртнинг мустақил фикрли ўғил-қизлари. Бухоро вилояти Когон туманидаги 2-болалар боғчаси тарбиячиси Лола Шаропова болаларга шаклларни жойлаштириш, уларни ясаш сирларини ўргатмоқда. Болалар мустақил ҳолда чизиш, ясаш ишларини бажармоқдалар.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**



Ta'lim fidoyilari

# ЭЛ ОҒЗИГА ТУШГАН УСТОЗ



Ҳаётда ким, қайси касбда меҳнат қилмасин, ўз фаолияти билан кўпчиликнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлиш осон эмас. Шарифа ая эса тажрибали адабиёт ўқитувчиси сифатида шогирдлари қалбидан аллақачон жой олган. Ўз касбининг устаси бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг замирида кўп йиллик самарали меҳнат, изланиш, машаққат бор. Ана шунга чидаган, ўзи танлаган касбга бутун умрини, иқтидорини бахш этган кишигина бунга эришади.

Ш. Тўрамуродова талабаликдан сўнг 1973 йилда Даштобод шаҳридаги 25-мактабга она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлади.

Дарахт бир ерда кўкаради, дейди халқимиз. Ш.Тўрамуродова ўттиз йилдан буён ана шу қадрдон мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан дарс бериб келаяпти. Меҳнат фаолияти даврида унинг тўрт нафар ўқувчиси республика олимпиадаларида фахрли ўринларни қўлга киритди. Ўз касбининг устаси сифатида эътироф этилган Ш.Тўрамуродованинг иш тажрибаси Зомин тумани бўйича оммалаштирилган.

— Бугунги ўқувчи келажакда ким бўлишидан қатъи назар, ўз тили — она тилини мукаммал ўрганиши шарт. Чунки она тилини яхши билмаган, уни ҳурмат қилмаган кишидан бошқа соҳада ҳам яхши мутахассис чиқиши қийин, — дейди биз билан суҳбатда Ш.Тўрамуродова, — Шунинг учун ҳам она тили ва адабиёт дарслари олдингидек маълум бир қолипга тушган усулда эмас, аксинча эркин, ижодий тарзда амалга оширилмоқда. Адабиёт дарсларини қизиқарли, сермазмун қилиб ўтказиш кўпроқ ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Ш.Тўрамуродова айни кунда юқори синф ўқувчиларига она тили ва адабиёт фанидан дарс берар экан, ҳар бир мавзуни ҳаётга боғлаб, миллий анъана ва қадриятларни эъзозлаш, Ватанни севиш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлишни у дарс мавзусига сингдириб юборади. Ҳар ким ҳам ҳаётда олим бўлавермаслиги мумкин, лекин одам бўлиши шарт. Бунинг учун яхшиларга ҳавас қилиб, эзгу орзулар билан яшаши керак.

**Абдусаттор СОДИҚОВ**

# МАЛАКА ОШИРИШ УЧУН ГЕРМАНИЯГА

***Германия Федератив Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида бир гуруҳ ўзбекистонлик мутахассислар ҳамда талабаларга Германия академик алмашув хизмати гувоҳномалари тақдимоти ўтказилди. Мазкур муассаса 1994 йилдан бери республикамиз Фанлар академияси ҳамда олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилади.***

— Академик алмашув хизмати Германия университетлари ва олий ўқув юртлари ташкилотидир, — деди Германия ишлари бўйича мамлакатимиздаги муваққат ишончли вакил Андреас Бротман тадбирни очаркан. — Унинг вазифаси олий ўқув юртлари, чет мамлакатлар ва айниқса, олимлар ҳамда талабалар билан алоқа ўртанишдан иборат.

Жаноб Андреас Бротманнинг таъкидлашича, ҳар йили бир гуруҳ ўзбекистонлик олимлар, аспирант ва талабалар алмашув хизмати маблағлари ҳисобидан Германияга боради. Бу йил мазкур мақсадларга 500 минг евро атрофида маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан профессор, фан докторлари ва номзодлари учун қисқа муддатли, ёш аспирантлар учун бир йиллик ва уч ойлик стипендиялар ажратилади. Иқтисодиёт соҳасида таҳсил олаётган талабаларга эса бир йиллик, халқаро муносабатлар соҳасидаги талабалар учун беш ойлик ва бошқа турдаги стипендиялар белгиланди. Немис тилини яхши билмайдиган аспирантлар дастлаб немис тилини тезкор ўрганиш курсларида таҳсил олишади. Сўнг Германиянинг илмий тадқиқот институтларида ўз малакаларини ошириб қайтадилар.

— Чет эллар билан илмий ҳамкорлик мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим бўғинларидан саналади, — деди Андреас Бротман сўзининг якунида. — Ўзбекистондан Германияга тажриба орттириш ва илм олиш учун борувчиларга ёрдам кўрсатиб, биз ўзимизга яқин дўст орттирамиз. Ўйлаймизки, сиз ҳам мамлакатимиздан кўп дўстлар орттириб, Германияга дўст бўлиб қайтасиз. Шу билан бирга ўз билимларингизни янада ошириб, жамиятингиз ривожига янада кўпроқ ҳисса қўшасиз.

**"Туркистон—пресс"**

# ТАНЛОВЛАР ДАРСНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

**Кўҳна Хоразм алгебра ва математика соҳасида танилган фарзандлари билан дунёга донг таратган замин. Хивадаги Аваз Ўтар номидаги 1-мактабда ҳозирги кунга қадар ана шу фанга қизиқиш анъанаси замонавий талабларга мос равишда давом этмоқда. Мактабда бир неча йилдирки, математика, физика, ЭҲМ каби фанлар чуқурлаштирилиб ўтилади. Шу боис ўқувчиларнинг мазкур фанларга қизиқиши шунчаки дарсликлар билан чегараланиб қолмай, балки ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, эркин мулоҳаза юритиш қобилиятларини ўстириш учун турли ижодий танловлар, ўйинлар ташкил этилган.**

**Хусусан, мактабда ҳар икки ҳафтада бир марта ўқувчилар билимининг беллашуви — "Заковат" ўйини ўтказилади. Мазкур билимлар баҳсига кўпроқ юқори синф ўқувчилари жалб этилган бўлса, 5-6-синф ўқувчилари учун "Имкон" номли танлов ташкил этилган. Ушбу ўйиннинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан қўллаб-қувватланиши ўқувчиларнинг фанларни янада чуқурроқ эгаллашларига туртки бўлмоқда.**

**Ушбу кўрик-танловларни ташкил этиш ва уни ўтказишда бевосита ўқувчиларнинг ўзлари иштирок этиши ёшларнинг фикрлаш даражасини, мулоҳазасини бойитишга самарали ҳисса қўшаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим.**

**Гавҳар МАТЁҚУБОВА, шу мактаб ўқитувчиси**

*Сув барча тирик организмнинг асосий таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ўсимлик таркибини 20 фоизгача, катта ёшдаги одам танасининг 67 фоизини сув ташкил қилади.*

*Мактабнинг ўрта маълумот тизими 12 йилга мўлжалланган ва ўқиш бепул. Бошланғич таълим 4 йилга мўлжалланган бўлиб, 5 ёшдан 9 ёшгача. Бундан кейингиси ўрта таълим, жами 10 йил, яъни 9 ёшдан 15 ёшгача ҳисобланади.*



## МУЛЛА УМАР ТИРИКМИ?

**Афғонистондаги муваққат ҳукуматнинг ички ишлар вазири Юнус Қонунийнинг тасдиқлашича, “Толибон” ҳаракати раҳбари мулла Муҳаммад Умар тирик. Мулла Умар ўзининг кўп вақтларини Афғонистондан ташқарида ўтказаётган бўлиши ҳам мумкин. Қонуний фикрича, у айни вақтда Покистон билан чегарадош тоғли ҳудудларда яшириниб юрибди. Аммо, уни қўлга олишга ҳозирча эришилгани йўқ.**

**Бу муваққат ҳукуматнинг мулла Умар тириклиги ҳақидаги биринчи расмий билдирувидир, дейилади. “Рейтер” агентлиги тарқатган хабарда.**

## АЛМАТИДА КАШМИР МАСАЛАСИ



**Қозоғистонда бўлаётган минтақавий хавфсизлик борасидаги Осиё саммитида асосий эътибор Кашмир можаросига қаратилган. Давлатлар раҳбарлари муроса йўлини аҳтаришаётган бўлиб, Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Важпаи Кашмир ҳудудига Покистон томонидан суқилиб кирган жангарилар сони гарчи Парвез Мушарраф ваъдасига қарамасдан камаймаяпти дея таъкидлади. Саммит вақтида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳамда Хитой Халқ Репспубликаси раҳбари Цзян Цземинлар мазкур 2 давлат раҳбарлари билан ўзаро мулоқот ўтказдилар.**

## ЧЕГАРАДА МАХСУС ОПЕРАЦИЯ



**Афғонистондаги антитеррор кампанияда етакчиликни қўлга олган АҚШ қуролли кучлари мамлакат шарқидаги Покистон билан чегарадош тоғли ҳудудларни бомбардимон қилганлар, тахминларга кўра, бу ерда “Ал-Қоида” жангарилари яширинган бўлиши керак. 177 нафар аскар иштирок этган ушбу операция вақтида совет-афғон урушида мужоҳидлар учун госпитал вазифасини ўтаган ғор топилган. Шунингдек, АҚШ вертолётлари Покистон билан чегарадаги тоғли сўқмоқларни ҳам назорат қилмоқдалар. Авваллари эса мана шу сўқмоқлардан контрабанда мақсадида фойдаланилган, дея хабар беради “Ассосшиэйтед Пресс” агентлиги.**

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

*ҲАМЗА номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МУСИҚА КОЛЛЕЖИ*

**2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА КУНДУЗГИ БЎЛИМГА ЎҚУВЧИЛАР**

**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон халқ чолғулари ва баян — БММ ва БСМда халқ чолғулари синфи ўқитувчиси, оркестр ва ансамбл артисти, най, қўшнай, рубоб-прима, қашқар рубоб, афғон рубоб, уд, дутор, танбур, дутор-бас, доира, ғижжак, ғижжак-альт, ғижжак-бас, ғижжак-контрабас, баян-аккордеон, классик гитара.

Анъанавий чолғу ижрочилиги — БСМ анъанавий чолғу ижрочилиги ўқитувчиси, ҳаваскорлик анъанавий ижро ансамблининг мусиқа раҳбари: най, қўшнай, чанг, қашқар рубоб, дутор, танбур, доира, ғижжак, қонун, уд.

Анъанавий хонандалик — Жўрнавозлик-иллюстратор, ҳаваскорлик анъанавий ижро ансамблининг мусиқа раҳбари, БММда анъанавий қўшиқ ўқитувчиси.

**Фортепиано** — Фортепиано ижрочиси, жўрнавоз, БММ, фортепиано синфи ўқитувчиси, ансамбл артисти.

**Торли чолғулар** — БММ ва БСМда чолғу синфи ўқитувчиси, оркестр ва даста артисти (скрипка, альт, виолончель, контрабас).

**Дамли ва зарбли чолғулар** — БММ ва БСМ ўқитувчи, оркестр ва ансамбл артисти, ҳаваскорлик жамоа раҳбари: (флейта, гобой, кларнет, саксофон, фагот, валторна, труба, тромбон, туба ва зарбли чолғулар).

**Академик хонандалик** — Академик хор, ансамбл артисти, умумтаълим мактабларида ашула ўқитувчиси.

**Хор дирижёрлиги** — Ҳаваскорлик хор раҳбари, БММ ва БСМда хор фанлари ва умумтаълим мактабларида ашула ўқитувчиси.

**Мусиқашунослик ва композиция** — БММ ва БСМда назарий фанлар ва (қўшимча) фортепиано синфи ўқитувчиси, мусиқий лекторийнинг лектори, композитор (бастакор).

**Эстрада чолғу ижрочилиги ва қўшиқчилиги** — Эстрада оркестр ва ансамбл артисти, эстрада чолғулари синфи ўқитувчиси ҳаваскорлик эстрада жамоалари раҳбари, эстрада қўшиқчилиги артисти: пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғулар, торли чолғулар, электрогитара, бас, соло, фортепиано, ўзбек халқ чоғулари, баян, аккардеон.

***Мусиқа билим юртига 9-синф маълумоти, 5 ва 7 йиллик мусиқа мактаби ҳажмида мусиқа тайёргарлигига эга бўлган фуқаролар қабул қилинади.***

***Аризалар 1 июндан қабул қилинади.***

***Ўқиш 2 сентябрдан бошланади.***

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Азимов 35. Тел: 133-58-57**
**Троллейбус: 17, 18, 9**
**Трамвай: 13, 27, 3**
**Автобус: 10, 16, 21, 28, 30, 48, 72, 80, 148**



Тошкент шаҳри С.Раҳимов туманидаги “Ёш тадбиркорлар маркази“ тугатилади. Даъволар бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади. Тошкент шаҳри Университет кўчаси 2-уй. Тел: 46-05-53.


Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва тарих факультети жамоаси тарих факультети декани, доцент Замира Раимовна Ишонхўжаевага турмуш ўртоғи

**Ҳусан Мухитдинович ИШОНХЎЖАЕВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Фарғона вилояти Марғилон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси

**Ғиязали БОБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этамиз.

# СУВ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Оролни қутқариш халқаро фонди
БЕF агентлиги
В Компоненти
Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи



Сув тириклик манбаи бўлиб, у бебаҳо бойликдир. Сувни исроф қилмаслик, унинг қадрига етиш ва оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришда жамоатчилик, мактаб ва оиланинг роли каттадир.

Бухоро вилояти ҳудудида дарё йўқ. Сув каналлар ёрдамида келтирилади. Ҳар йили ариқлар, каналлар ҳашар йўли билан тозаланади. Бухоро вилоятининг асосий сув артерияси Аму-Бухоро-I, Аму-Бухоро-II ва Аму-Қоракўл каналлари ҳисобланади. Бухоро шаҳрида 280 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир киши бир суткада ўртача 330-350 л сув сарфлайди. Энди ўзингиз тасаввур қилинг 2-3 та ошхона идишини ювиш учун сув жўмрагидан қарийб 20-30 дақиқа сув оқади. Баъзилар жўмракни соатлаб очиб қўядилар, оддийгина тиш ювиш учун ҳеч бўлмаганда 5-6 л сув сарфланса керак. Бир вақтлар ҳар бир шаҳар аҳолиси кўпи билан 20-30 л сув сарфлаган. Сувнинг ҳар бир томчиси ҳисобли бўлган. “Чунки сув ниҳоятда танқис бўлганлиги сабабли сув оби ҳаёт, сув зар-сувчи заргар“ “Сувга тупирма, сувни бекорга сарфлама“, каби қарашлар мавжуд эди. Аммо бу тушунчалардан ҳозирги вақтда ном-нишон ҳам қолмади. Кейинги ўн йилликда сув танқислиги ўз таъсирини кўрсатмоқда. Сувни қадрлаш, унинг қадрига етиш, исрофланишига йўл қўймаслик каби тушунчалар матбуотда кўп учрайди. Ер куррасидаги сув заҳирасига эътибор берайлик. Унинг миқдори 1,4 млрд.км³ дан ортиқроқ. Бу сувнинг 98 фоизи денгиз суви, ичишга яроқсиз. Ичиладигани бор-йўғи 0,23 млн.км³ ёки ердаги сувнинг 2 фоизини ташкил қилади.

Шундай давлатлар борки уларга сув кемалар, темир йўл цистерналарда келтирилади. Шунинг учун ҳам бу мамлакатларда сув қадрланади ва уни сарфлаш маданияти анча юқори.

Сув барча тирик организмнинг асосий таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ўсимлик таркибини 20 фоизгача, катта ёшдаги одам танасининг 67 фоизини сув ташкил қилади. Инсон истеъмол қиладиган сувнинг миқдори ва таркибининг ўзгариши овқат ҳазм қилиш жараёни бузилишига, қон оқими ва бошқа ҳолатларнинг нормал кечишига салбий таъсир этади. Агарда одам танасидаги сувнинг 2 фоизи йўқотилса ташналик, 6-8 фоиз йўқотилса, чала ҳушдан кетиш, 10 фоиз йўқотса галлюцинация пайдо бўлади. 12 фоиз сув йўқотганда инсон ҳалок бўлади. Шундай қилиб, инсон етмиш йиллик умри давомида 63 минг л. сув истеъмол қилар экан.

Сувда организм учун керак бўлган энергия йўқ, барча физиологик жараёнларда асосий манба ҳисобланади.

Сувнинг таркибида фито, йод, магний, кальций, темир, сульфат, карбонат бор. Сувнинг таркибида йод элементи бўлмаса эндемик бўқоқ касаллиги намоён бўлади. Ичимлик суви юқумли касалликлар манбаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Ичак инфекцияси бактериялари, ич терлама таёқчалари, ичбуруғ (дизентерия) каби вируслар чучук сув таркибида учраб туради. Бунинг сабабчиси ҳам инсондир. Сувга турли хил чиқиндиларни ташлаш оқибатида шаҳримиздаги Шоҳруд ариғи кескин ифлосланди.

Сув қишлоқ хўжалик экинлари учун ҳам ҳаводай зарур. Бир тонна буғдой олиш учун 270 тонна сув керак. Шу билан бирга ер шўрини ювиш учун 2600 м³ сув сарфланади.

Муқаддас бойлигимиз бўлган сувни иқтисод қилиш, унинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик давр талабидир. Ҳар бир хонадонга, ташкилотларга, қишлоқ хўжалик сув иншоотларга сув ўлчатгичлар ўрнатилиши энг зарур чоралардан биридир. Шундай қилинса, сув ортиқча сарфланмайди, тежалади.

Донишмандлардан Антуан де Сент-Экзюпери сув тўғрисида қуйидаги мадҳияни битган: “Эй сув, сенда на таъм, на ҳид, на ранг бор! Сен бебаҳосан, сен билан роҳатланиш мумкин, сен шундай муқаддассан. Сени ҳаёт учун зарур дейиш мумкин эмас, чунки сенинг ўзинг ҳаётсан. Сен бизларни қувончларга тўлдирасан, сен берадиган қувончларни ўз ҳиссиётимиз орқали баён этолмаймиз. Сен орқали бизларга янги куч, янги қувват тикланади. Сен бизларга мададкорсан, бизларнинг бутун ҳаётимиз сен билан. Сен барча тирик мавжудот учун муқаддас бойликсан“.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 22 мартни, “Халқаро ичимлик суви куни“ деб эълон қилган. Ҳар йили бу кун мактабларда, жамоат жойларида нишонланса, яхши бўлар эди. Мактабларда, олий даргоҳларда сув тўғрисида суҳбатлар, кечалар ўтказилса, деворий газеталар, кўргазмалар ташкил қилинса, сувга бўлган онгли муносабат янада чуқурлашарди:

**С.НИЁЗОВА,**
**Бухоро шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси**

# АЛПОМИШЛАР ЯШАР БУ ЮРТДА

***Сўнгги пайтларда Ўзбекистонни жаҳоннинг халқаро майдонларида тез-тез тилга оладиган бўлишди. Бунга юртимиз фарзандларининг шижоати сабабдир. Сизга таништирмоқчи бўлган қаҳрамонимиз Ўткир Қурбонов ҳам шундай шижоатли ёшлардан.***

***Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида дунёга келган бу азамат 6 ёшлигиданоқ давраларда кураш тушиб юрди. Сўнгра, Самарқанд шаҳар олимпия захиралари коллежига ҳужжат топшириб, талабалар сафига қабул қилинди.***

***Бу илм масканида Ўткир Шодмонов каби устозларидан дзюдо сир-асрорларини ўргана бошлади. Билим юрти директори Рустам Маҳмудов ва мураббийси Ёдгор Маҳмудовлар ҳам ундан ўз ёрдамларини аямадилар. Ўткирнинг дастлаб отаси Мурод полвон, сўнгра устозларидан олган сабоқлари беҳуда кетмади. Сўнгги пайтларда у дзюдо бўйича республика ва халқаро миқёсдаги мусобақа ва турнирларда фахрли ўринларга эришди. Жумладан, яқинда Сурияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 19 ёшли спортчимиз олтин медални қўлга киритди. Бунгача у Ҳиндистон ва Россияда ўтказилган турнирларда биринчи ва иккинчи ўринларга сазовор бўлган эди. Шунингдек, у икки карра республика чемпиони ҳамдир.***

***— Халқаро майдонларда юртимиз шарафини янада мардонавор ҳимоя қилсам, — дейди Ўткир.***

***Яқинда бўлиб ўтадиган Тошкент-Опен турнирида қатнашиш учун тайёргарлик кўраётган Ўткир Қурбоновнинг орзулари ижобат бўлсин.***

**Роҳила ОЧИЛОВА**

# МАЙДОНДАГИ БАҲСЛАР

*Самарқанд вилоят ёшлари ўртасида “Вилоят прокурори кубоги“ футбол мусобақасининг анъанавий 1-вилоят турнири ўтказилди.*

*Турнир мусобақаларида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муаассасалари ўқувчилари ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги мактаб ўқувчилари қатнашдилар. Ўз гуруҳида биринчиликни қўлга киритган Самарқанд озиқ-овқат коллежи талабалари худди шундай ютуққа эришган Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлими терма жамоасини 4:3 ҳисобида мағлуб этиб, мусобақа совриндори бўлдилар. 2-ўрин Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлими терма жамоасига, фахрли 3-ўрин эса яхши ўйин кўрсатган Оқдарё туман халқ таълими бўлими терма жамоасига насиб этди.*

*Мусобақа якунида ғолибларга совғалар топширилди.*

**Салоҳиддин САНАҚУЛОВ**

# ОСТОНАНГИЗ ОЗОДАМИ?

Бугун дунё халқи, ўз миллатининг давомийлиги учун, фарзандларига мусаффо осмон қолдириш, ҳар бир гиёҳу паррандани нобуд қилмаслик, бир сўз билан айтганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ниятида ҳаракат қилади. Дейлик, оддийгина мисол, ўзи чақаётган пистанинг пўчоғини махсус ажратилган жойга ташлайди, ҳовли супураётган келинчак ахлатни сув оқаётган ариққа улоқтирмайди.

Ҳар сафар бутундунё миқёсидаги бирорта мавзу ҳақида гапирмоқчи бўлсак, албатта, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти худди биз тилга олаётган мавзуда қандай ишларни қилмоқда? — деган саволга ҳам жавоб излаймиз.

Интернет маълумотларига қараганда, яқинда БМТ ер куррасидаги экологик тизимни ўрганиш лойиҳасини бошлади. Ушбу лойиҳада иштирок этаётган 1500 нафар мутахассис заминдаги тупроқдан тортиб, атмосферадаги ҳавогача бирма-бир ўрганиб чиқиши кўзда тутилган. Улар ўз олдиларига, ўрмонлар, дарё ва денгизлар, океанлар, тупроқлар бугунги кунда қандай аҳволда, деган саволни қўйишган. 21 миллион доллар сарфланажаги мўлжалланаётган лойиҳа Туринда, бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунида бошланади.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш нима учун керак, деган саволга БМТ Бош котиби Кофи Аннан: «Атроф-олам ҳақидаги билимларимиз ернинг кейинги тақдири олдидаги жавобгарлигимизни ёдда тутишга ва уни авайлашимизга сабаб бўлади» деб изоҳлади.

Бугун ўйлайман. Остонамиз озодами, ўз фарзандларимизга уқтирганимиздан ташқари қўшнимизнинг боласини ҳам атроф-муҳитни, демакки, ўзимизнинг соғлиғимизни, эртанги кунимизни асрашга, муҳофаза қилишга ундаймизми? Балки бугун ёшгина қизалоғингиз биринчи бор қўлига супурги ушлаб, ҳовли тозалашга чоғлангандир. Унга ўргатинг, уни хабардор қилинг. Зеро, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш энг биринчи навбатда она сайёрамизни ҳалокатдан асрайди. Бутун дунёдаги кишилар эртанги кун одамларига, авлодларига бус-бутун сайёра қолдиришга масъулдирлар.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

**5 iyun — Butunjahon atrof-muhitni muhofaza qilish kuni**

# ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Дунё халқлари ҳар йили 1 июнни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонлашади.

Хўш, 1 июнни қачондан буён ва ким томонидан кўтарилган ташаббус билан катта байрам қилиб нишонлаймиз. Буни кўпчилигимиз билишни ҳоҳлаймиз.

1946 йилнинг 11 декабрида БМТнинг Болалар фонди (жамғармаси)—ЮНИСЕФга асос солинди. Бу жамғарманинг ўша пайтларда асосий мақсади 2-жаҳон уруши қурбонларига, жабрланган болаларга ёрдам бериш, уларга меҳрибонлик қўлини чўзиш ва уларни тиббий, моддий муҳофаза қилишга қаратилган эди. ЮНИСЕФнинг жабрланган мамлакатлардаги болаларга юқоридаги каби ёрдамларни бериш, кейинчалик эса унинг бошқа амалларида ҳам бу каби ҳаракатлари кенгайиб бораверди.

1965 йилнинг 1 июнидан бошлаб АҚШ вакили Генри Лабиуснинг фонд тақсимловчи директорлигига тайинланиши ушбу сананинг дунё миқёсидаги тарихий кунга айланишига туртки бўлди.

Ҳозирги вақтда ЮНИСЕФга 120 та давлат ўз ёрдамини кўрсатаяпти. Бундан ташқари ҳар хил ташкилотлар, йирик компаниялар ва саховатпеша инсонлардан тушган маблағлар ҳам жамғарма хазинасини тўлдириб туради. Дарвоқе, мустақил Ўзбекистонимиз ҳам бу ишлардан четда эмас. 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини бир умр эсдан чиқмайдиган қилиб ўтказиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими Бош бошқармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказишди. Шаҳримизнинг барча туманларидаги истироҳат боғлари, сўлим масканларида байрам тантаналари бўлиб ўтди. Байрам муносабати билан барча болалар хушманзара маданият боғларига келиб, мароқли ҳордиқ чиқаришди. Истироҳат боғидаги аттракционлар бу ерга келган кичкинтойларга бир олам қувонч бағишлади. Тошкент Давлат цирки эса 750 нафар болаларни бепул томошага чорлади. Болаларни ардоқлаш мақсадида амалга оширилган бундай маданий тадбирлар болалар хотирасида ёркин таассурот қолдирибгина қолмай, балки уларнинг кўнглида эртанги кунга ишонч ҳосил қилди.

**Нозима АСҚАРХЎЖАЕВА**

**Xorijda ta'lim**

# БУЮК БРИТАНИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

*Англияда таълим тизими узлуксиздир. Мактабнинг ўрта маълумот тизими 12 йилга мўлжалланган ва ўқиш бепул. Бошланғич таълим 4 йилга мўлжалланган бўлиб, 5 ёшдан 9 ёшгача. Бундан кейингиси ўрта таълим, жами 10 йил, яъни 9 ёшдан 15 ёшгача ҳисобланади. Бу таълим тизимининг энг юқори даражаси 17 ёшгача давом этади. Шундан сўнг ўқувчи сертификат В га сазовор бўлади. Икки йил ичида ўқувчи фақат учта фанни ўрганади: математика, биология ва тарих. Ўз навбатида сертификат ҳам баҳоларга қараб беш турга бўлинади: В10, В20, В30, В40, В50. Бу сертификатларни олиш учун албатта ўрта мактабда ўқиш шарт. Чунки Англияда лицейлар умуман йўқ.*

*Университетларга ҳужжатларни топшириш пайтида қабул комиссияси бу баҳоларга эътибор беради. Университетга ўқишга кириш учун ҳеч қанақа имтиҳонлар топширилмайди. Фақат белгиланган тўловнинг 25 фоизи миқдорида пул тўланади. Англия фуқаролари учун бир йилга 1400 доллар, қолган 4600 доллар давлат сармоясидан тўланади. Чет эл талабалари учун бу нарх 2 баравар қиммат.*

*Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, таълим соҳасидаги харажатлар Буюк Британияда 5,3 фоизни ташкил этади. Талабаларнинг тахминан 1/3 қисми стипендия олади. У талабанинг оилавий шароити ва ўзлаштиришига қараб белгиланади.*

*Коллежлар Англияда икки хил. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларга фақат касбий дипломлар беради. Масалан, ошпаз, электрик, сартарош. Олий таълим коллежлари эса талабаларга бакалаврлик дипломини беради. Ҳар иккала ўқув юртининг бакалавр даражали дипломлари бир хил.*

*Олий таълим тизими Англияда 3 та даражага бўлинган. Биринчи даражада тўрт йил ўқилади. Магистр, яъни “мастер сайэнс” — илм устаси икки йил ўқийди. Фақат 5 фоиз талаба бакалавриатдан кейин магистратурага киради. Баъзи бир университетларда бу кўрсаткич 15 фоизга тенг. Учинчи даражадаги доктор 3 йил ўқийди, бу бизнинг фан номзоди даражасига тенг. Доцент ёки катта илмий ходим деган даражалар уларда берилмайди. Профессор унвонини олиш учун ҳеч қанақа докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш шарт эмас. 10 йилдан кейин автоматик равишда илмий асарларига қараб, олимга профессорлик унвони берилади.*

*Олий таълим муассасасида билим эгаллаётган ёшлар бир семестрда ва бир йил ичида фақат 7 та фанни ўқиб-ўрганишади. Бир ўқитувчига бир ўқув йиллик юкламаси 360 соатга тенг. Талабалар фақат эрталаб биринчи парани аудиторияда ўқитувчи билан ўтиб, иккинчи ва учинчи парани ўзлари мустақил таълим сифатида ўқитувчисиз кутубхонада ўтишади.*

*Англия оилаларида 32 миллион шахсий компьютер мавжуд. Остерлей маркетинг мактабида 300 компьютер мавжуд бўлиб, улар ҳаммаси Интернетга уланган. Ҳар бир университет ўзининг Интернет серверига эга. Интернетнинг ишлатилиши ўқитувчилар учун бепул. Агар уй шароитида бу тармоқ ишлатилса, бир ойда 20 доллар тўлаш лозим.*

*Англия университетларида тьюторлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ерда мақомлар фарқланади. Оксфорд ва Кембриж университетларида тьютор—мустақил штат бирлиги бўлиб, ўқув-тарбия ишларида ўта муҳим вазифаларни бажаради. Янги университетларда эса уларнинг вазифаларини амалда кўпинча штатдаги ўқитувчи-маърузачилар (масалан, талабалар рефератига раҳбарлик) бажаришади. Оксфорд ва Кембриж коллежларида тьюторларни академик ҳамжамият бирлигини таъминловчи муҳим боғловчи звено ҳисоблашади. Тьютор амалда, бир-икки талаба машғулотларида улар билан бевосита мулоқотда бўлиб, бутун ўқув курси давомида назорат қилади. Унинг вазифаси талабанинг тегишли фанлардан ўзлаштиришини ва бўлажак мутахассис бўлиб шаклланишини таъминлашдан иборат. Чунки уларнинг фикри бўйича мураббий аваламбор профессионал ёрдам кўрсатиши лозим. Масалан, фанларни танлаш учун ва бошқалар.*

*Англия университетларида кутубхоналар тўлиқ компьютерлашган ва ҳар бир талабада пластмасс электрон карточка мавжуд. Бу электрон карточкани талаба кутубхонада, ксерокопия қилишда, Интернетга киришда ишлатади. Кутубхонадаги компьютер пластмасс электрон карточканинг шифри бўйича талаба қайси китобни ва қачон олганини аниқлаб беради. Чунки улар қоида бўйича икки ҳафтадан кўп ушланиши мумкин эмас.*

*Университетларда бошқарув органи сенат ёки университет кенгаши ҳисобланади. Уни канцлер бошқаради. Бу, одатда, штатнинг кўзга кўринган арбобидир. Одатда, ректорликка номзод дастлаб сенат ва маъмурий кенгаш аъзоларидан иборат қўшма комиссия томонидан тайинланади ва у маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланиши лозим. Бошқа университет малакали профессорларидан ректор танлаш амалиёти ҳам мавжуд. Ректорлик муддати чекланмаган (бироқ нафақагача, яъни 65 ёшгача).*

*Буюк Британияда сиртқи ўқув таълими ҳам ривожланган, назорат ва курс ишларини талабалар асосан почта орқали университетларга юборишади. Ўқув режалари билан улар компьютер тизими орқали танишиб чиқишади, яъни масофавий таълим йўлга қўйилган. Бундан ташқари уларда ёзги лагер тизими ривожланган, ёз фаслида ўқитувчилар талабалар билан учрашиб, имтиҳонларни қабул қилишади.*

*Британия давлати ўқитувчиларга катта ижтимоий ёрдам кўрсатади. Ҳар бир ўқитувчи 25 йиллик кредит орқали икки этажли коттеж сотиб олиши мумкин. Талабаларни ўқишга қабул қилиш масаласи бўйича ҳозирги пайтда Англияда университетлараро рақобатлашув пайдо бўлган. Ҳар бир университет ўрта мактабларда талабалар билан учрашув кунларини ўтказади. Англияда ўрта мактабларни, коллежларни, университетларни компьютерлар билан жиҳозлаш сиёсати устундир.*

*Глазго университети Буюк Британиянинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу ерда 80 та давлатдан келган 16 минг талаба таҳсил олмоқда. Рейтинг натижаларига кўра, Глазго университетининг 100 та кафедрасидан 35 таси Британиянинг энг яхши кафедралари деб тан олинган ҳамда таълимнинг сифати учун 16 та фандан олий мукофотларга сазовор бўлган.*

*Буюк Британияда олий маълумот берадиган жами 100 тага яқин университет, политехника коллежлари, технологик университетлар мавжуд ва бир қанча мустақил коллежлар ҳам очиб қўйилган.*

**Баҳодир ОТАБОЕВ,**
**Тошкент Давлат аграр университети доценти**

# КЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

**Ko'ngil bitiklari**

Ориф ТЎХТАШ

### БЎРИНИНГ ТУЛКИГА ЁЗГАНИ

— Қалай ука, зўрми иш?
Яқин қолди совуқ қиш.
Ҳавасим келар сенга,
Чатоқ бўлди-да, менга!
Нима қилайин ахир,
Оёқ-қўлларим оғрир.
Қандай яшайман қишда,
Тишим ҳам икки-учта.
Қимирлаб қолган у ҳам,
Сузди кўчқор муттаҳам.
Тутган эдим кўзини,
Қара, унинг сўзини:
— Шиққиллат туёғингни,
Ҳеч босма оёғингни.
Яна тегсанг кўзимга,
Кўрсатаман кўзингга! —
Дея менга дўқ қилди,
Тишларимни йўқ қилди.
Очман, раҳм қил бир оз,
Юбориб тургин хўроз!

### ШАМНИНГ ЛАМПОЧКАГА ЁЗГАНИ

— Ёниб тургин бахтимга,
Сен борсанки, омонман.
Ўчиб қолсанг мабодо,
Бир кечада тамомман!

### ТУЛКИНИНГ ХЎРОЗГА ЁЗГАНИ

— Яқинда билиб қолдим,
Жўжаларинг кўп эмиш.
Сен қаердан топасан,
Барига шунча емиш?
Сенга бир қоп дон берай,
Бешта жўжа бериб тур.
Гар истасанг ўзинг ҳам,
Бизникига келиб тур.
Товуғинг ҳам бир талай,
Ундан иккита олай.
Бари бўлар еттита...
Эҳ, дон арзон кетди-да!
Майли, афсус демайман,
Қўрқма, товуқ емайман.
Олганимнинг барисин,
У хоҳ ёшми, қарисин.
Парваришлаб, ўстириб,
Ёнларида дўст туриб,
Бор шартини қиламан,
Сўнг ёнингга келаман.
Содиқ қолиб сўзимга,
Қайтараман ўзингга.

Яшар жойим ўрмонда,
Ишлаяпман хирмонда.
Сўзимни ёлғон дема,
Товуқ бермай, дон дема.
Кўнгилни қилмай ғубор,
Аниқ еттита юбор!

### МИХНИНГ БОЛҒАГА ЁЗГАНИ

— Мен сени дўст деб юрсам,
Номард экансан, болға!
Бошимдан уравериб,
Келтирдинг қандай ҳолга?

Умидларим кўп эди,
Барини тўкиб кетдинг.
Мадор бўлиш ўрнига,
Белимни букиб кетдинг.

Ўйлаб кўрсам вазифанг,
Биргина "тўқ-тўқ" экан.
Дўстим, деганинг билан,
Оқибатинг йўқ экан.

Энди менинг ҳаётим,
Барбод бўлгани тайин.
Ўзимдан келиб чиқиб,
Сенга бир сўз айтайин.

Насиҳатмас, бу — ният,
Мудом иши олға бўл.
Ҳар зарбда ҳам дўст бошин,
Ўпиб қайтган болға бўл.

### ҚОПҚОННИНГ МУШУККА ЁЗГАНИ

— Ошна, кези келганда,
Айтиб олай дардимни.
Хизматига яраша,
Ўз ўрни бор ҳар кимнинг.

Номард санамасин, деб
Ёзаяпман мардона.
Энди ўртага қўйсак,
Арзимас бир шартнома.

Сохта сўзларинг билан
Айлантириб бошимни.
Неча бор олиб қочдинг,
"Оғзимдаги ошимни".

Ҳаммасига хўп, дея
Сезмасликка олдим мен.
Раҳматни сен эшитиб,
Бир чеккада қолдим мен.

Сенга бунчалик кўмак,
Бермас ҳеч ким, ҳеч қачон.
Ифлос бўлган юзимни,
Ялаб ҳам қўй, ошнажон!

### КУЛГИХОНА

*Ўқитувчи ўқувчидан энг узун сўзга мисол келтиришни сўради. Ўқувчи:*

*— Каучук.*

*— Нега, бу сўз узун эмас-ку?*

*— Ажабланманг. Каучукни истаганингизча чўзса бўлади.*

***

*Суд. Аёлни эрининг қотиллигида айблашмоқда.*

*— Демак, сиз эрингизнинг шўрвасига заҳар солгансиз. Кейин нима бўлди?*

*— У ўтириб, бемалол овқатлана бошлади.*

*— Виждонингиз қийналмадими?*

*— Қийналди... яна ичаман деганида.*

***

*— Доктор, авариядан сўнг менинг бошимни сиз тикиб қўйганмидингиз?*

*— Ҳа, нима, тикишнинг сифатига эътирозингиз борми?*

*— Йўқ, тикиш аъло сифатли. Фақат, бош меники эмас!*



Бегубор онлар.

Ҳайнрик АЙГЛЕР

## ФОЛБИНЛИК СИРИ

HAJVIYA

*Барбара трамвайдан тушиб, эндигина ер ости йўли билан йўлнинг нариги томонига ўтмоқчи бўлган дақиқада бир йигит олдини тўсиб чиқди ва эҳтиром билан бошдан шляпасини олиб саломлашгач деди:*

*— Сизнинг исмингиз Барбара...*

*— Ке...кечирасиз, — деди қиз шошганиданми ёки бироз қўрқиб кетганиданми дудуқланиб, — мен... мен сизни...*

*— Исмингиз Барбара, тўғрими, йўқми?*

*— Тўғри-куя — деди қиз ажабланиб, — аммо мен сизни танимайман-ку.*

*— Мен ҳам сизни бугун биринчи бор кўриб турибман, аммо сиз тўғрингизда бир талай нарсаларни айтиб беришим мумкин. Масалан, сизнинг исмингиз Барбара, турмушга чиққансиз. Эрингиз билан уч хонали серҳашам уйда турасиз. Эрингизнинг исми Фридрих, тўғрими?*

*— Т..т... тўғри, — деди қиз ҳайратдан дудуқланиб, — аммо мен сизни ҳеч қачон кўрмаганман-ку. Ҳар ҳолда эримнинг дўстларидан бири бўлсангиз керак.*

*— Нималар деяпсиз? Эрингизни умуман кўрмаганман, аммо уч йилдан бери бирга яшаётган бўлсаларингиз ҳам ҳали фарзандларингиз йўқлигини жуда яхши биламан. Уйларингиз олдидаги боғчага эккан гулларингизни қўшниларнинг ярамас ити пайҳон қилиб ташлаганини ҳам биламан.*

*— Ҳа, демак, сиз бизга яқин жойда истиқомат қилсангиз керак, — деди қиз бироз ўзини босиб олгач.*

*— Йўқ, сизларнинг шаҳарчага келганимга борйўғи уч кун бўлди. Меҳмонхонада тураман.*

*— Эримнинг дўстларидан бири бўлмасангиз, бизга яқин жойда истиқомат қилмасангиз, мен сизни танимасам, биз тўғримиздаги тафсилотларни қаердан биласиз? Нима бало, сеҳргармисиз ёки фолбинмисиз?*

*— Унисиям, бунисиям десангиз бўлаверади. Ҳар ҳолда бу менинг сирим. Эрингиз хизматчи, у жаноб Симон Виллштроф билан битта идорада хизмат қилади. Жаноб Виллштрофнинг хотини сариқ сочли, яқинда у ўзига ярашмаган битта шляпа сотиб олган. Бунинг устига у ўтган йили сотиб олган кўйлагини қайта бўятиб, кийиб юрибди. Эри ишласа, ўзи ишласа, битта янги кўйлакка пул топишолмайдими?*

*— Бўлди, бўлди, ҳаммасини тушундим, — деди Барбара юзлари ёришиб, — сиз Виллштроф хоним билан бирга ишласангиз керак?*

*— Қасам ичишим мумкин, ўша хонимни бирон марта кўрмаганман, кўришга унчалар интиқ ҳам эмасман. Аммо келинг, сизга қайтайлик. Бундан уч йил аввал, яъни турмуш қурмасингиздан аввал беш-олтита йигит сизга гирдикапалак бўлиб юришганди. Аммо сиз Фридрихни танладингиз, чунки у хизматчи бўлгани учун, қариганда кўпроқ нафақа олади. Эрингиз ҳар жума оқшоми клубга кетади. Охирги марта у кечаси соат иккидан ўтганда қайтиб келган. Бундан ташқари, битта синглингиз сизлар наслнасабини билмайдиган, нотаниш бир йигитга турмушга чиқмоқчи. Яқинда онангиз сизларникига бир ҳафтага бораман, деб хат ёзибди. Эрингиз хатни ўқиб, анча тўполон қилган. Шунда сиз ўтган йили унинг укаси сизларникига келганда бир ой давомида боққанингизни писанда қилгансиз, тўғрими?*

*Барбаранинг бутун вужудига титроқ кирди.*

*— Вой, худойим, сиз чиндан ҳам ё сеҳргарсиз, ёки ўткир фолбинсиз...*

*— Гапингиз тўғри, мен чиндан ҳам сеҳргарман, одамнинг юзига шундай қараб ҳамма нарсани айтиб бераверaман... Хоҳласангиз, сизга ҳам ўргатишим мумкин.*

*— Ўргатаман дейсизми? Сўнгра мен ҳам худди сиздек хоҳлаган одамнинг бутун тафсилотларини айтиб бера оламанми?*

*— Ҳа, албатта, фақат иш ҳақи масаласини келишиб олсак бўлди...*

*— Нима десангиз ҳам розиман. Ўргатсангиз бўлди...*

*Йигит талаб қилинган пулни чўнтагига солар экан, жилмайиб деди:*

*— Иложи бўлса, трамвай, троллейбусларда кўпроқ юринг ҳамда ўзаро гаплашиб кетаётган аёлларнинг гапларини эшитиб, эслаб қолсангиз бўлгани...*

**Немис тилидан Йўлдош ПАРДА таржимаси.**

## ЯПОНЧА КРОССВОРДНИ ЕЧИШ ТАРТИБИ

Японча кроссворд ҳам ақлни чархлайдиган бошқотирмалардан биридир. Бунда сиз белгиланган катакларни энига ва бўйига мос келадиган тарзда бўяшингиз керак. Бўяладиган катаклар сони белгиланган. Мувофиқ тарзда тўғри бўяб чиқсангиз, қоғозда бирон-бир тасвир ёки сурат пайдо бўлади. Масалан, қуйидаги кичикроқ японча кроссвордни биргаликда ечиб кўрамиз:

1. Кроссвордни ечишни аввало катта сонлардан ва катак миқдорича бўлганларни бўяшдан бошлаш керак. Демак, энига 4-қаторда катак миқдорича 7 сони турибди. Қатордаги барча катакларни бўяймиз. Биз ўз навбатида бўйига 1 ва 7-қаторлардаги шартни, яъни 1 катак миқдоридаги бўяшни ҳам бажардик. Осон бўлиши учун бўялган катакларни белгилаб олиш керак.



2. Иккинчи катта рақам 9 дир. Маълумки, кроссворд бўйига 10 катакдан иборат. Агар биз бўяшни 1 катакдан бошласак, 9 катаккача боради. Аммо бўяш пастдан тепага ҳам бўлиши мумкин. Унда бўяш 2-катаккача боради. Демак, 2-дан 9-гача бўлган катаклар бўялади.



3. Учинчи катта рақам 5 бўлиб, у энига 3 ва 5-қаторларда жойлашган. Бўйига 1 ва 7-қатор шартлари бажарилиб бўлганлиги сабабли, 2-дан 6-гача бўлган катакларни бўяймиз.



4. Энига 2 ва 6-қаторларда 3 сони ёзилган, бўйига 2 ва 6-қатор 1-қисми бажарилганлиги туфайли 3-дан 5-гача бўлган катакларни бўяймиз. Биз ўз навбатида бўйига 3 ва 5-қатор шартларининг биринчи қисмини ҳам бажариб бўлдик.



5. Бўйига қаторларни биринчи қисми ҳаммаси бўяб бўлинганлиги боис энига 4-катакни бўяб қўямиз.



6. Бўйига 3 ва 5-қатордаги шартларни бажарамиз. Энига 8-катак шарти бажариб бўлинганлиги учун 9 ва 10-катакларни бўяймиз, ўз навбатида энига 9-қатор шарти ҳам бажарилди.



7. Энига охирги қатордаги шартларни бажарамиз ва 2, 3 ва 5, 6-катакларни бўяймиз. Ҳамма шартлар бажариб бўлинди. Қоғозда қуйидагича тасвир ҳосил бўлди:



Ушбу маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидаги японча кроссвордни ечишга ҳаракат қилинг. Ҳал этиб бўлганингиздан сўнг қоғозда чавандоз тасвири пайдо бўлади.

**Тузувчи:**
**Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**



## Xullas...

### ЁНҒИН "УЮШТИРУВЧИ" "ЎТ ЎЧИРУВЧИ"

Унчалик катта бўлмаган қишлоқда бир ой мобайнида тез-тез ёнғин одамларнинг асабига тегар, гўёки, буни кимдир уюштираётгандек эди. Бир қарасанг, омбор, бир қарасанг қайсидир ҳовли, бир қарасанг қандайдир қурилиш. Дастлаб, кишилар бунинг сабабини ўзларининг тартибсизлиги ва бесаришталигидан ахтаришди.

Аммо ўн тўққизинчи ёнғин ҳодисасидан сўнг милиция ходимлари қишлоқда тинтув ва текширув ўтказганларида, буни 16 ёшдаги йигитча уюштираётганини аниқлашди. У маҳаллий ўт ўчириш идорасига яқинда ишга қабул қилинган бўлиб, ёнғинни атайлабдан содир этаётган экан. Албатта, мақсади мураккаб вазиятларда қандай йўл тутиш кераклигини ўрганиш эди.

Киров туманининг Отрадное қишлоғи аҳолиси шунда англадики, йигитча ёнғин бошланиши билан бу ерда ҳозиру нозир бўлиб, қаҳрамонлик кўрсатишга ҳаракат қиларди.

Энди у ўз "қаҳрамонликлари"нинг давомини темир панжара ортида кўрсатадиган бўлди. Ёнғин "ёқувчи" афтидан, ўз операциялари бундай кўргулик келтиради, деб ўйламаган бўлса керак.

### ЯНГИ ҲАЙКАЛ ҚИММАТ ТУРАДИ

1775 йилда Екатерина II нинг фармонига кўра, Ирбит посёлкасига шаҳар мақоми берилган эди. Миннатдорчилик рамзи сифатида ирбитликлар қироличага ўша даврларда ҳайкал ўрнатган.

Ўтган юз йилликнинг 20-йилларида большевиклар ёдгорликни кўримсиз ҳолатга келтиришди. Фақат ҳайкалнинг таг қисмидаги тошгина "омон" қолди.

Ниҳоят, XXI асрга келиб, шаҳар думаси депутатлари Екатерина II нинг янги ҳайкалини қайтадан тиклаш ҳақида қарор қабул қилди. Бунга камида 5 миллион рубль сарфланиши зарур. Аммо маҳаллий банклар бундай катта маблағни беришга қизғаниши турган гап. Депутатлар ҳомийлик қиладиган ташкилотларга, қолаверса, кейинги рус императорининг авлодига дахлдор шахслар саховатига умид қилишмоқда.

### ҚАНОТЛИЛАР ФЕСТИВАЛИ

Эстонияда қушларнинг чуғур-чуғури! Худди турли-туман мусиқаларнинг қоришмаси дейсиз?

20 та давлат қушлар фестивалида иштирок этиш истагини билдирган бўлса, бунда ўша мамлакат рамзий белгиси сифатидаги қушлар ҳисобга олинди. Масалан, Финляндия — қора чуғурчиқ, Кипр — қорабош мойкут, Словакия — кичкина пашшахўрини фестивалга тақдим этди.

Белоруссиянинг рамзий вакили — тиниб-тинчимас жиблажибон энг сайроқи қуш бўлмаса ҳам, қанотлилар фестивалида биринчи ўринга муносиб деб топилди. Сабаби, бу қушнинг келажак авлодга етиб бориши гумонлашиб қолмоқда, яъни жуда камёб.

Шундай қилиб, "Европа қушлари" фестивалининг ғолиби белоруссиялик кўпчиликнинг кўнгли билмас жиблажибондир.

**ana shunaqa gaplar**

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-529.
Тиражи 32835 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи:
Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00